# Оила ва жамият

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

33 (927) сон

6 август — 12 август 2009 йил

Web-site: oilavajamiyat. uz




3

**УЗУКМИ** Ё ТЕГИРМОН ТОШИ?

**ЎТТИЗ ЙИЛЛИК АРМОН ёки хотира манзаралари** 4





5

**АЁЛ ЭРКИГА ДАХЛ ҚИЛМАНГ!**

**...КИМГАДИР**



12

**ОЗОР ДУНЁ**

## Озодлик қуёш каби бетимсолдир!




Илҳом Жуманов сурат-коллажи

## КЕЧА:

→ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги қарори (3 август) эълон қилинди.

→ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида прокуратура органларининг мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан 2009 йилнинг биринчи ярмидаги фаолияти якунларига доир кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.

## БУГУН:

→ Яккакураш турлари бўйича Бангкок шаҳрида давом этаётган I — Осиё ўйинларида муваффақиятли қатнашаётган терма жамоамиз аъзолари қўлга киритаётган медаллар сони ошмоқда. Ушбу нуфузли мусобақа дастурига илк марта киритилган миллий спортимиз — кураш бўйича беллашувлар бугун бошланади.

→ Дунё миқёсида “Бутун жаҳон кўкрак сути билан боқишни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш” бўйича 10 августгача давом этадиган ҳафталик доирасида бизнинг республикамизда ҳам махсус тадбирлар ўтказилмоқда.

## ЭРТАГА:

→ Футбол бўйича Ўзбекистон кубогининг финал учрашуви (“Пахтакор”—“Бунёдкор”) 8 август куни “Пахтакор” марказий стадионида соат 19.00 да бошланади.

## “ОБУНА — 2010”

*Шу йилнинг 1 июлидан бошлаб келгуси йил учун ОБУНА бошланганини эшитдингизми?*

*“Оила ва жамият”ни ўз оиласининг яна бир ҳақиқий аъзоси сифатида қадрлаб, биз билан ҳамфикр, дардкаш бўлиб келаётган муҳтарам муштарийлар!*

*Вақтни ғанимат деймиз, аслида эса дийдор ҳам ғаниматдир. Шундай экан, биз билан сал кам ўн саккиз йилдан бери гоҳи ғойибона, гоҳи юзма-юз дийдорлашаётган содиқ газетхонлар, келгуси йилда ҳам “Оила ва жамият” хонадонингизга беминнат (“сотиб олиб ўқирман” деганлар айрим шаҳар ва туманлардаги газета дўконларидан нашримизни топа олмаётганликлари ҳақида кўп бора ёзишаяпти) кириб боришини истасангиз, яхшиси, обуна бўлганингиз минг карра маъқул.*

**ДЕМАК, ОБУНА БОШЛАНДИ!**

## ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:


Ҳоким ўринбосари яна мактабга қайтди — 3

Шоирнинг энг сўнгги хати эгасига етиб бормади... — 6

«Доллар топиб олдим» деган фирибгарга ишонманг! — 7

Теледастурлар — 8–10

Қайноналар ҳақида тўқилган латифалар ростми? — 11

Устозини тўрга ўтказмаган шогирдлар — 12

Эйнштейннинг ҳаёт «қонун»ларини биламизми? — 13

Онасини танимаган болалар — 15

Таъзияга келганларга пул тарқатилади!? — 16

# УЗУКМИ Ё ТЕГИРМОН ТОШИ?

НИГОҲ

...Автобусда кетаётган йўловчиларнинг бутун диққати бир одамга қаратилган. У мобил телефонида оғзига келганини қайтармай ўшқирарди. Афсуски, унинг хотинига айтаётган сўзларининг бир фоизини ҳам қоғозга тушириб бўлмайди. Чунки бундай бемаъни ва расво луғат фақат ўта бетарбия одамлардагина бўлиши мумкин. Ё, тавба! Одамнинг тили ҳам шунчалар тубан ҳолга тушармикин? У ўзбек тилида гапиряптими ё шайтон тилидами? Ақли-чи?

Эй, инсон, ахир атрофингда қизинг тенги қизлар, опасингилларинг тенги аёллар, ака-укаларинг қатори одамлар бор-ку! Наҳотки, улардан уялмасанг?.. Ё сенга ҳаммаси бир пулми? Ўзинг неча пуллик одамсан? Баҳойинг ҳам гапираётган гапларинг нархига тенгдир-да! Ғалати бир парадокс бор: бировнинг сувсаганини сезмаган одам ўзининг чанқаётганини яхши билади. Бошқанинг жони қаттиқ оғриётганини унчалик ҳам ҳис қилмаган одам қўлига кирган тиконнинг оғриғини жудаям яхши билади. Бильакс, бировнинг қадрини билмаган одам ўзининг ҳам қадрини билмайди. Чунки қадр тақчиллиги қорининг очлиги эмас-да!



**ЖАМОАТ ЖОЙИ** деган тушунча ҳар бир одам учун ўта муҳим. Зеро, айни шу тушунчани англаган одам ўзини билган одам бўлади. «Жамоа», «жамоат», «жамият» деган сўзлар шунчакига ўхшаш бўлиб қолган сўзлар эмас. Уларни маъно ва мантиқ, моҳият бирлаштиради.

Одамнинг маданий даражаси аввало унинг жамоат жойларида ўзини қандай тутишида кўринади. Фикрга, дунёқарашга, савияга эга одам жамоат жойини ҳурмат қилиши аксиома. «Тентакка тил бер, икки қўлига бел бер», деган мақол бор. Бундай беъмани одам икки қўлига белни олиб нима қилади? Шубҳасиз, жамоат жойларини шу бел билан ҳовмайдон қилиб ташлашни истайди. Баъзида ҳеч нарсадан тап тортмай, олди-ортига қарамай, атрофдаги одамлар билан заррача ҳисоблашмай, бор овозда бақир-чақир қилаётганларни кўриб қоласан. Эҳтимол, улар бу билан ўзларини дадил ва ўктам қилиб кўрсатмоқни истарлар. Лекин бу ўктамлик эмас, дадиллик ҳам эмас. Балки, буни эркинлик деб айтарсиз? Эркинлик ҳам эмас, бор-йўғи фаросатлилик билан фаросатсизликнинг фарқи нимада эканини билмайди. Бунинг учун ҳам фаросат керак-да!

Румий Ҳазратларида бир ҳикоят бор:

*... Бир ҳукмдорнинг ўғли анчагина фаросатсиз чиқибди. Уни нима бўлса ҳам ҳунар ўргансин деб турли хил усталарга шогирдликка бериб кўришибди. Лекин натижа чиқмабди. Бирон нарсани ўрганиш учун фаросати етмабди. Охири ҳукмдор уни фолбинларга шогирдликка берибди. Ҳеч бўлмаса, шу ишнинг орқасидан кунини кечирар, деб ўйлаган-да. Улар болани узоқ тайёрлашибди. Бир неча йиллардан сўнг улар ҳукмдор қошига келиб, «ўғлингиз бизнинг ҳунаримизни эгаллади» дейишибди. Отаси ўғлини синаб кўрмоқчи бўлибди ва кафтига узугини яшириб, қўлимда нима борлигини топ, деб буюрибди. Бола ромчилик сирларини анчагина ўрганган экан. Ерга аллақандай чизмаларни, белгиларни чизиб, анча бош қотирибди ва охири отасига: «Қўлингизга яширилган нарса ўзи думалоқ, ўртаси тешик бир нарса» дебди. Ота ўғлининг топқирлигидан хурсанд бўлиб кетиб: «Белгиларини тўғри топдинг, энди моҳиятини айт, номини айт!» дебди. Шунда ўғил ўйланиб туриб: «Тегирмон тоши бўлса керак» деб жавоб берибди. Ота эса куйиниб: «Аттанг, кафтимга бекитган нарсам ўзи думалоқлигини, ўртаси бўшлигини топдинг, лекин одамнинг кафтига тегирмон тоши сиғмаслигига фаросатинг етмади-я» деган экан...*

Ҳар қандай одам «фаросатсиз» деган номни олишдан қочиши керак. Одамнинг фаросати қай даражадалиги айнан жамоат жойларида билинади. Бундай жойлар ойнага ўхшайди. Салгина фаросатсизлик билан ўзингизни фош қиласиз.

Яқинда бир суҳбатимизда тележурналист Умида Усмонова куйиниб гапириб қолди: **«Айрим хусусий телеканалларда танилиб қолган баъзи хонандаларимизнинг интервьюларини эшитиб, хафа бўлиб кетаман. Улардан болалиги ҳақида, ўқувчилик йиллари ҳақида сўрашса, ҳеч уялмай-нетмай, кўпинча, мактабда «иккичи» бўлганлиги, бетартиб, жанжалкаш бўлиб, умуман китоб ўқишга қизиқмаганлигини айтиб, мақтанишади. Ахир, шуям мақтанадиган гапми, айтинг! Қолаверса, улар миллионлаб томошабинларнинг олдида шу гапларни ҳеч тап тортмай гапиришяпти».**

Энди ўйлаб кўринг, томошабинлар орасида қанчадан-қанча мактаб ўқувчилари, ёшлар бор, шу хонандалардан улги олишни истайдиганлари ҳам талайгина. Ўзининг «иккичилиги», китобни ёқтирмаслиги, ношудлиги ва савиясизлиги билан мақтанаётган бундай хонанда уларга қандай намуна бўлиши мумкин? Майли, билимсиз ва савиясиз бўлгандирсан, лекин бу билан зинҳор мақтанма, ўзингни фош қилиб қўясан-ку, шоввоз, дейдиган мард йўқ. Бунинг устига бу гапларинг билан савиясизлик ва билимсизликни тарғиб қилаётганингга фаросатинг етмайдими? Бу оламда ким китобдан, билим ва тафаккурдан ёмонлик кўрибди?

Жамоат жойи ўз номи билан жамоат жойи! Ундан жамият бошланади. Унда айтиладиган ҳар бир сўз ўйлаб гапирилиши керак. Ҳар бир хатти-ҳаракат ўйлаб қилиниши керак. «Яхшилик қилиш қўлингдан келмаса, ҳеч бўлмаса, ёмонлик қилма» деган гап ҳам бекорга айтилмаган. Жамоат жойида ўйламасдан гапирилган гап, ё ножўя хатти-ҳаракат бир ё икки кишига эмас, жамоатга нисбатан ёмонликка айланиб кетиши мумкин. Бу гапларни зинҳор насиҳатбозликка йўйманг, куйиниш деб тушунинг. Ё нотўғрими?

Муносабатингизни кутамиз.

**Эшқобил ШУКУР**

# МАЖБУРИЯТЛАРИМИЗДАН БИРИ...

ҚОНУН ВА БУРЧ

Ҳар бир йигит-қиз улғайиб вояга етгач, оила қуриб фарзанд кўришни орзу қилади. Лекин ота-она бўлиш оддий иш эмас. Унинг ўзига яраша масъулияти ва мажбуриятлари бор. Ана шундай муҳим вазифалардан бири фарзанд туғилгач, ўз вақтида туғилганлик ҳақидаги гувоҳномани расмийлаштиришдир. Ҳозирги кунда туғилганликни қайд қилиш борасида фуқароларимиз орасида қонунни тушунмаслик туфайли ФҲДЁ бўлимига кечикиб мурожаат қилиш ёки фарзандлари мактаб ёшига етгунга қадар ҳам туғилганлик ҳақида гувоҳнома расмийлаштирмасдан бемалол юриш ҳоллари учраб турибди.

Ҳар бир боланинг туғилганлик ҳолатини ФҲДЁ бўлимлари орқали қайд этиш мажбурий ҳисобланади. Бунинг учун албатта, ота-онанинг паспортлари, никоҳ тузилганлиги ҳақида гувоҳнома ва боланинг туғилганлиги тўғрисида туғруқхона маълумотномаси тақдим этилиши лозим. Агар боланинг ота-онаси қонуний никоҳда бўлмаса, у ҳолда уларнинг аризаси ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатларга асосан оталик ҳуқуқи белгиланиб, боланинг туғилганлиги расмийлаштирилади.

Боланинг туғилганлик ҳолати ота-оналардан бирининг турар жойидан ёки бола туғилган жойдаги ФҲДЁ органида бир ойлик муддат ичида қайд этилиши шарт.

Шунингдек, ҳозирги кунда айрим аёллар биринчи турмушлари билан қонуний равишда ажралишмасдан, иккинчи марта шаръий никоҳдан ўтиб, фарзандли бўлиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 60-моддасига биноан, қонуний никоҳда бўлган аёлдан туғилган болаларнинг туғилганлик ҳолати отаси вафот этган вақтдан ва ота-онаси никоҳдан ажралишгандан кейин 300 кундан кўп вақт ўтмаган бўлса, у ҳолда боланинг туғилганлигини қонуний никоҳдан туғилган болалар сингари ота-оналарнинг никоҳ гувоҳномалари асосида қайд қилинади.

Ҳозирги кунда бошқа республикалардан қариндош-уруғлариникига келиб, Ўзбекистон Республикасида доимий ёки вақтинча рўйхатдан ўтмасдан яшаб келаётган фуқаролар ҳам учраб турибди. Бундай ҳолда туғруқхоналарда боланинг соғ-омон туғилиши учун тиббий ёрдам кўрсатилади. Лекин туғилган боланинг ота-онасига рўйхатсиз Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаб келаётган бўлса, у ҳолда улардан туғилган боланинг туғилганлигини қайд этиш амалдаги қонунчилик асосида улар рўйхатда турган давлатнинг Ўзбекистондаги консуллик муассасалари орқали амалга оширилади.

**Эътибор СУЛТОНОВА,**
**Янгийўл шаҳар ФҲДЁ бўлими мудираси.**




## ГУЛИСТОНДА "ҲОСИЛ БАЙРАМИ"

Ўтган йилнинг кузагида айрим калтабинлар гап чиқаришди:"Имкони бўлса, қишга кўпроқ ғалла ғамлаб қўйинглар, келаси йили буғдой фалон пулга чиқармиш, арпа эса..." Соддалар десак, нотўғри бўлар-ов, эл-улусни эмас, кўпроқ ўз нафсини, манфаатини ўйлайдиганлар ўзларича бир зумда бойишни ўйлаб, ҳатто миниб юрган машиналаригача пуллаб, ғалла жамғаришибди. Хайриятки, эрта баҳорда ҳам, ёзнинг биринчи ойидаям ҳалиги "узоқни кўра оладиган" учарларнинг "башорати" амалга ошмади. Аксинча, ўзлари куйиб қолишди. Оллоҳ назари тушган юртимизга яна ризқ-насиба сочилди: мамлакатимизнинг лафзи ҳалол ғаллакорлари илк марта 6 миллион 610 минг тонна улкан ғалла хирмони уйдилар.

Албатта, бу муваффақият ўз-ўзидан келгани йўқ. Тинимсиз меҳнат, табиатнинг жиддий синовлари ва бошқа турли машаққатлар эвазига етиштирилган мўл ҳосил меҳнаткаш халқимизнинг насибаси бутун эканлигини яна бир бор кўрсатди. Ва ана шу салмоқли хирмонда давлатга 175 минг тоннадан ортиқроқ дон сотиб, шартномавий режаларини ошириб бажарган сирдарёлик заҳматкаш деҳқону фермерларнинг ҳам ўзига хос муносиб улуши бор. Оқолтин, Боёвут, Сирдарё, Ховос, Сайхунобод туманларининг фидойи деҳқонлари меҳнатига ҳар қанча таҳсинлар ўқилса арзийди.

Тинчлик ва осойишталик, тўкинлик ва фаровонлик барқарор бўлган юртда ҳар қанча байрам қилса арзийди. Қарангки, бир ҳафтадан буён мамлакатимизнинг барча гўшаларида "Ҳосил байрами" тантаналари давом этаётир. Ана шундай кўтаринки кайфият кечагина Гулистон шаҳридаги марказий ўйингоҳда ўтказилган вилоят ғаллакорларининг шукуҳли айёмида ҳам ҳукмрон бўлди. Фидокорлик намуналарини кўрсатган инсонлар давра тўрига ўтқазилиб, қимматбаҳо совға-саломлар билан сийланди.

"Ҳосил байрами"нинг бадиий қисмида халқимизнинг ардоқли шоир ва ёзувчилари ҳамда таниқли санъаткорлари ўз ижод намуналарини намойиш этгани ушбу файзли кечага ўзгача руҳ бағишлади. Байрам тадбирида Сирдарё вилояти ҳокими Абдураҳим Жалолов иштирок этди.

**(Ўз мухбиримиз)**

## МИНГ КИШИ ИШЛИ БЎЛДИ

Термиз шаҳрида мустақиллигимизнинг 18 йиллиги муносабати билан «Касбим-фахрим менинг» шиори остида фестивал бўлиб ўтди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ташаббуси билан вилоят ҳокимлиги, прокуратура, ички ишлар, меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармалари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда асосий эътибор ёшларни иш билан таъминлашга қаратилди. Фестивалда вилоятдаги икки юздан ортиқ корхона ва ташкилотлар ўзларида мавжуд бўш иш ўринларини таклиф этди. Шунингдек, фестиваль доирасида тадбиркор ва фермер хўжаликлари ўзларининг маҳсулотларини намойиш этиш имконига ҳам эга бўлишди.

Тадбирга таклиф этилган Термиз давлат университети ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Натижада минг нафардан зиёд ёшлар ўз мутахассисликлари бўйича иш билан таъминланди.

**Маҳмуд АБУЛФАЙЗ,**
**«Туркистон-пресс».**

*Пойтахтимизнинг миллий боғ ҳудудидаги маданият ва санъат кўргазмалари биносида*
**"ҚЎЛИ ГУЛДИР ЎЗБЕК АЁЛИН..."**
деб номланган доимий фаолият кўрсатувчи ҳудудлараро кўргазма-савдога марҳамат!
Муҳтарам юртдошлар, мўъжизакор қўллар яратган гўзалликлардан баҳраманд бўлинг!

*Ушбу рамз остида берилаётган мақолалар Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.*

*2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили*

# БИР АЁЛ БОР, ҚУВАДА ...



— Инсоннинг қалби, ақли худди она тили каби Ватан тимсолидир, — дейди Манзурахон. — Мен Қува шаҳрида туғилиб ўсдим. Фарғонада институтда ўқиб, ўқитувчилик дипломини олгач, қалбим, ақлим буйруғига биноан қишлоққа қайтдим. Салим қишлоғидаги 11-мактабда қишлоқ болаларини жон дилим билан ўқита бошладим...

Ўшанда 1979 йил, Манзура кўзлари чарос, юзлари нақш олма, сунбул сочлари белида чулғанган нозик ниҳол қиз эди. Бу ёш муаллимани келин қиламан деганлар кўпайгандан кўпайди. Омад Муборак опага кулиб боқди. Тошкентдан иқтисодчи диплони билан қайтган ўғли Таваккалжон Юсупов Манзуранинг ота-оналарига ҳам маъқул келди.

Яхши келин, ижодкор, ташкилотчи муаллима Манзура Юсупова мактаб директорлигига тайинланди. Энди у 110 нафар муаллимни оға-иним, опа-синглим, минг ўқувчини фарзандларим деб, янги куч-ғайрат билан ишга киришди.

— Биз ўқувчилар юрагига яхшилик сўзини, илм-одоб сабоғини ўчмас ҳарфлар билан ёзишга ҳаракат қилдик, — дейди Манзура. — Бу эса осон кечмади. Аввало, ўзимиз ўқиб-ўрганишдан толмадик. Болаларни чин дилдан севдик. Ўқувчиларимиз фан олимпиадаларида қатнаша бошладилар. Битирувчиларнинг кўпчилиги олий ўқув юртларига кирди. Мактабимиз обрў топди. Бунда, албатта, устозларим, ҳамкасбларим Салима опа Худоёрова, Маҳбуба опа, Иноятхон опа ва Иброҳим ака Маҳкамовлар, Навбатали Гулматов, Зайнобиддин Тешабоев, Ҳасанбой Одилов, Муҳаммаджон Мамиталиев, Мамлакатхон Тешабоева, Юсуфжон Каримов, Марҳабо Мирзалиева, хуллас, бутун жамоанинг хизмати катта бўлди...

* * *

2004 йилнинг июнь ойида раҳбарликда кўп синалган Манзура Юсуповани Қува тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимига таклиф қилишди. Манзура шарт қўйди: Кунига икки соат бўлсада, юқори синф ўқувчиларига дарс беришда давом этсам...

Масала ижобий ҳал бўлди.

Қувада 210 минг аҳоли бор. Юз мингдан ортиғи хотин-қизлар, уларнинг ҳар бирини ҳолаҳволини билишга ҳаракат қилди. Шукр, ўзига тинч хонадонлар, ибратли оилалар кўп. Лекин баъзи оилалардаги келишмовчиликларни ўрганиб, муросага келтириш чораларини излар экан, Манзура ТАРБИЯ сўзига ҳайкал қўйгиси келди. Муаммо кўпинча ота-оналарнинг, эр-хотинларнинг маънавиятига бориб тақалади. Ўқимишли, онгли ота-оналарнинг фарзандларига ҳаваси келади. Баъзилар эса...

У оилалар даврасида, ёшлар ўртасида кўпроқ суҳбатлар ўтказишга ҳаракат қилди. Кенг жамоатчиликни бу ишга сафарбар этолди. Ҳа, аёлнинг эри олдидаги, фарзандлари, Ватани, маҳалласи олдидаги бурчини англатишдек долзарб масалани бирон кун унутмади. Ахир аёл муқаддас, аёл оқила, сулув, мўъжиза! Бу гўзал таърифни аксинча айтишга ҳеч эҳтиёж қолмасин. Манзура хоним шу шиор билан ишлади.

Эҳ, ота-онаси раҳматли, қандай одамлар эди-я? Уларнинг ибратли ҳаётини, берган тарбияларини эслаб, тақдиридан миннатдор бўларди:

...Истараси иссиқ, шоир табиат Қодир ака ишдан қайтгач, қизчаларини етаклаб, боққа олиб чиқарди. Уларни ёнига тизиб, суҳбатлашар, эртаклар айтиб берарди. Сўзи аввалида қизларини мақтарди.

— Зулфия қизим-шоира қизим, менинг қулфи-дилим. Зайнаб қизим-достоним. Мавжуда қизим-мавлоним. Манзура қизим кўзлари қора, сўзлари сара, қадамлари ўтли, ўзи эса кўҳли. Қўш бешикда ухлаётган Ҳасан-Зуҳроларим асалим-қандим. Шундай қилиб, бир бор экан, бир йўқ экан...

Эртакларнинг сеҳрли олами қизларнинг хаёлларига учқур қанот берар, кўзларида юлдузлар чақнар, митти юракларига яхшилик, инсонийлик туйғуларини жойларди... Дадасининг ўзи ҳам худди эртак қаҳрамонларига ўхшаган мард, доно, софдил инсон эди.

Қодиржон Қурбонов 60-70 йилларда Қуванинг 30- ва 5-мактабларида энг ибратли директор бўлиб ишлади.

— Ҳали кўрасиз, аяси, — дерди у рафиқаси Ҳалимахон аяга (у киши ҳам ўқитувчи эди), — сиз билан бизнинг ўқувчиларимиз яхши инсонлар бўлиб етишадилар. Қувамизни янада гуллатибяшнатадилар. Беш қизимиз беш юлдуздек чарақлайди. Ватан қизи, халқ қизи бўладилар.

Ҳа, шундай кунлар келди. Уларнинг ўқувчилари ҳам, фарзандлари ҳам худди Манзурахон каби эл-юрт хизматида.

— Аям ҳам етмиш хил ҳунар эгаси эдилар, — дейди Манзурахон. — Дарс бериб қайтгач, деҳқончиликми, тўн, камзул, кўрпа-ёстиқ, рўзғорга керакли хонтахта, курси, сабзи тахта, ҳатто, дераза ромларини ясаш ҳам қўлларидан келарди. Оёқ киймларимизни ямаб, электр асбобларини тузатиб, ниҳолларни пайвандлаб, гулларни парваришлардилар. Хуллас, аямнинг «билмадим», деган юмуши бўлмаган. Аямга қарашиб юриб, биз ҳам етмиш бўлмаса-да, қирқ ҳунар эгасимиз...

Манзурахон худди шундай одамларни топиб, ёшлар билан учрашувлар ўтказди. Хотин-қизларнинг иш билан таъминланишига, уларнинг маънавий-маърифий савиясини оширишга озми-кўпми, ҳисса қўшди. Ахлоқ-одоб, миллий қадриятларимиз, ўзбекона кийиниш ҳақидаги суҳбатларини «Қува ҳаёти» газетасида ҳам эълон қилди. Ҳа, у чин дилдан ишларди. Лекин мактаб уни оҳанграбодек ўзига тортарди.

— Энди мактабга қайтсам, — деди у раҳбарларга, — эртанги кун авлодларига тажриба ва билимимни ўргатсам...

Хуллас, 2008 йилнинг 1-сентябрида кўзлари беғубор чақнаган ўқувчилари ҳузурига кириб боркан, гўё қайта яшарди, куч-ғайратга тўлди. Билим беришни тарбия билан чамбарчас боғлаб, замонавий талаб асосида иш юритиш зарурлигини юрак-юракдан ҳис этди. Ўқувчиларни миллий ғоямизга, миллий мафкурамизга эга бўла оладиган, мустақил фикрлайдиган даражада билим бериб, тарбиялашга аҳд қилди. Қишлоғимиз болалари билимли, иродали, иймони бақувват, соғлом мақсадли инсон бўлиб етишсинлар. Улар мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, қишлоғимизнинг янада фаровон бўлишига ҳисса қўшсинлар, дея қатъий енг шимарди...

Манзурахоннинг уйи шундоқ мактаб ёнида. Болаларнинг қувноқ овозлари эшитилиб турди...

Мен унинг уйига кириб борганимда остонадан то катта ҳовли этагигача яшнаб ётган ранго-ранг гулларни кўриб, лол қолдим. Ҳовли тўла гул, гул, гул! Мевали дарахтлар ораси ҳам гулзор.

— Гулга бой эккансиз-у, Манзурахон! — дейман баҳри-дилим очилиб, — энди билдим, сизнинг яшнаб-яшариб, гул-гул очилиб юришларингиз боисини. Гуллар ҳидлаб, гуллар орасида юриб, Таваккалжоннинг меҳрмуҳаббатига сазовор бўлиб, яшаш қанчалар бахт!

— Ҳа, опажон, гулларни севаман, — дейди у кулиб. — Ҳаётимга шукроналар айтаман. Дарсдан келгач, гулзоримни бир айлансам, китоб ўқисам, шеър ёдласам, тикиш-бичиш билан шуғуллансам... қушдай енгил тортаман. Тезроқ тонг отса-ю, ўқувчиларим ҳузурига чиқсам дейман...

Ҳа, Манзурахон маҳаллада катта-кичикнинг маслаҳатгўйи, аёллар даврасида дилбар шоира, мактабда устоз, ижодкор муаллима.

Тинч, аҳил, маънан бой оила устуни Таваккалжон Юсупов эса бир умр собиқ «Бўстон» жамоа хўжалигида ҳисобчи, кадрлар бўлими бошлиғи бўлиб ишлади. Ҳозир у боғбон. Булар иболи, ҳаёли, ўзлари билиб-билиб иш қиладиган тўрт қизни вояга етказдилар. Моҳира, Мухлиса — ҳамшира. Шоҳиста эса ўқитувчи. Уччовиям муносиб оиланинг дилбар келинлари. Кенжа қизи Моҳичеҳра эса Тошкент шарқшунослик университетида аъло баҳоларга ўқияпти.

— Бизнинг оилавий шиоримиз бир-биримизни ҳурмат қилиш, қўллаб-қувватлаш ва ўрни келганда ёрдам бериш — дейди Манзурахон. — Мана, ўттиз йилдирки, ушбу шиоримиз қатъий амалда.

**Санъат МАҲМУДОВА**

# МАКТАБЛАР МАВСУМГА ШАЙ

ТАЪЛИМ

Мамлакатимизда таълимни янада ривожлантириш умуммиллий Давлат дастурида мактаб ва мактабгача таълим муассасаларини капитал ёки жорий таъмирдан чиқариб, моддий техник базасини яхшилаш ишларига биринчи галдаги вазифа сифатида қаралганлиги бежиз эмас. Орадан ўтган қисқа вақт оралиғида республикамиздаги деярли барча мактаблар замонавий қиёфага кириб, шарт-шароитлари тубдан ўзгарди. Бунга Тошкент вилояти, Оққўрғон туманидаги ўқув даргоҳларида амалга оширилган кенг кўламли ишлар ҳам мисол бўла олади.



— Туманимизда 49 та мактаб, 1 та Меҳрибонлик уйи, 14 та мактабгача таълим муассасаси бор, — дейди **туман халқ таълими бўлими мудирининг ўринбосари Алишер БЕРДИКУЛОВ.** — Давлат дастури юзасидан бажарилган ишларга тўхталадиган бўлсак, буюртмачи ва пудратчи ташкилотларнинг астойдил жонкуярлик билан меҳнат қилганликларини алоҳида таъкидлашни истардим. Чунки уларнинг ғайрат-шижоатлари билан шу кунгача 41 та мактабда режалаштирилган ишлар белгиланган муддатларда сифатли қилиб бажарилди. Жумладан, 1 та мактаб қайтадан қурилди, 17 та мактаб капитал реконструкция, 20 таси эса капитал таъмирланган бўлса, 3 таси жорий таъмирдан чиқарилди.

Биз тумандаги 50-умумтаълим мактабида бўлганимизда ана шундай ўзгаришларнинг устидан чиқдик. Улар йиллик таъмирлаш ишларини биринчи бўлиб якунлаб, айни кунда янги ўқув йилига ҳам ҳозирлик кўриш ишларини бошлаб юборишибди.

— Илм масканимиз 200 ўринга мўлжалланган, — дейди **мактаб директори Гулзода ШЕРБОЕВА.** — Шарт-шароитларимизни кўриб турибсиз, жуда яхши. Қаерда ишлаш учун, ўқиш учун имконият бўлса, ўша ерда албатта юксалиш бўлади. Ана шундай ўзгаришлардан бири — ўқувчиларимизнинг фанларни ўзлаштиришлари чоракма чорак яхшиланиб бораётганлиги, уларнинг сезиларли ютуқларга эришаётганлигидир.

Шу боис ҳам бу йил «Йил мактаби» кўрик-танловининг вилоят босқичида иштирок этиб, фахрли ўринлардан бирини эгаллади.

Наргиза Ҳасанова раҳбарлик қилаётган 49-ихтисослаштирилган ўқув даргоҳини «тумандаги энг яхши мактаблардан бири» деганларича бор экан. Мактаб остонасига қадам қўйишингиз биланоқ, ҳовлида амалга оширилган ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларини кўриб, бу ер чинакам маданият ва маърифат маскани эканлигини ҳис қиласиз.

**Ўктам АБДУЛЛАЕВ,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

ЎТГАНЛАР ЁДИ

# ЎТТИЗ ЙИЛЛИК АРМОН

## ёки хотира манзаралари



### БИРИНЧИ МАНЗАРА

Биз ўшанда саккиз-ўн яшар болалар эдик.

Тоғли қишлоқ мактаби. Мирза муаллим футбол тўгараги очди. Катта-кичик гуруҳларга бўлинишиб, роса тўп тепардик. Ёз келиб, мактаб тугаб, ҳамма таътилга чиққанида бизнинг футбол тўгарагимиз учун айни қулай давр эди. Баъзан стадион четидаги баланд толлар соясида Муаллимнинг футбол ҳақидаги қизиқ-қизиқ ҳикояларини жимгина, берилиб тинглардик. У ҳар гал "мен Миша Ан билан қўл бериб кўришганман. Эҳ, сизлар келажакнинг "Пахтакор"и бўлишингиз керак!" — дерди. Бизнинг ҳавасдан оғзимиз очилиб қоларди. Кейин ҳаммамиз яна ўйингоҳга учардик. Гўё "Пахтакор"нинг ям-яшил, юмшоқ майсалари устида Ан, Аширов, Бозоров, Фёдоров, Агишевлар билан қадамба-қадам югуришиб, тўп тепардик…



### ИККИНЧИ МАНЗАРА

Бир куни…

Бир куни футбол ўйнамадик. Болаларнинг ҳаммаси жам бўлди-ю, Мирза домладан дарак йўқ. Унга доимо ёрдамчи бўлган Бахтиёр бизни икки жамоага ажратди. Ўйин бошланди. Аммо негадир оёқларимиз ўзимизга бўйсунмас, ҳафсаламиз пир бўлиб, сира ўйинимиз қовушмасди. Сўнг ҳаммасини йиғиштириб, Мирза аканинг уйига йўл олдик.

Эски ёғоч дарвоза эшиги ғичирлаб очилди. Муаллим секин ташқарига чиқди. Соқоллари ўсиб кетган, кўзлари қизарган, қовоқлари шишган. Бироз жимликдан сўнг овози қалтираб, шундай деди:

— Болалар, Миша Ан йўқ, Олим Аширов, Фёдоров йўқ, Сирож… "Пахтакор" йўқ энди!..

У ғалати бир ютинди-да, ҳўнграб йиғлаб юборди. Болаларнинг кўпчилиги катта ёшли одамнинг бундай йиғлашини аввал кўрмагани учунми, қўрқиб кетишди. Бу йиғи ҳаммамизга ғалати туюлди.

— Болалар, узр… бугун сизларга жавоб. Ўйин бўлмайди! – деди у қўрқинчли жимликни бузиб.

Биз тарқалишдик. Мен уч-тўрт кундан сўнг бир газетада қора ҳарфларда битилган хабарни ўқидим: **"…11 август 1979 йил. Тошкент – Гурьев – Донецк – Минск йўналиши бўйича учаётган "Ту-134 А" самолёти Днепродзержинск шаҳри яқинидаги Куриловка қишлоғи осмонида ҳалокатга учради. Йўловчилар, экипаж аъзолари, Олий лига "Пахтакор" мастерлар жамоасининг 17 нафар аъзоси ҳалок бўлди…"**



### УЧИНЧИ МАНЗАРА

Ҳалокатга учраган самолётда 77 йўловчи бўлиб, улар орасида "Пахтакор"нинг 14 ўйинчиси, жамоа мураббийси, шифокори ва администратори ҳам бор эди. Воронеждан кўтарилган бошқа бир самолёт билан ҳавода, 8300 м. баландликда тўқнашув содир бўлган. Моҳир учувчи қаттиқ шикаст еган самолётни имкон қадар бошқаришга ва ерга хавфсизроқ қўндиришга умид қилган. Аммо 4500 м. баландликка келиб, самолётнинг қулаш тезлиги жудаям ошиб кетган ва барча умидлар пучга чиққан. Самолёт Елизаветовка қишлоғига яқин ҳудудга келиб тушган. Иккинчи самолёт эса ҳаводаёқ парчаланиб, унинг қолдиқлари асосий қулаш жойидан 20 км. радиус бўйлаб сочилиб кетган. Натижада, жами 178 киши ҳалок бўлган. Бу мудҳиш фожеа харьковлик авиадиспетчерлар хатоси сабабли содир бўлган деб топилиб, улар турли муддатга озодликдан маҳрум қилинган.

Агар инсон умрига зомин бўлмасайди, ҳар қандай хатони тузатса бўларди. Тузатиб бўлмайдиган хатолар жазога лойиқ. Бироқ қанийди, бу жазо "Пахтакор"чиларни ҳаётга қайтара олса…

**Биз фақат гўзал хотиралар қолган ўша машҳур инсонлар номини эсга оламиз: "Пахтакор" жамоаси мураббийи Идгай Тазетдинов, дарвозабон Сергей Покатилов, ҳимоячилар Олим Аширов, Равиль Агишев, Юрий Загуменних, Николай Куликов, ярим ҳимоячилар Михаил Ан, Владимир Фёдоров, Константин Баканов, Владимир Макаров, ҳужумчилар Сирожиддин Бозоров, Шуҳрат Эшбўтаев, Владимир Собиров, шифокор Владимир Чумаков ва администратор Мансур Толибжонов.**

### ТЎРТИНЧИ МАНЗАРА

Бир ҳафта деганда, яъни 17 август куни 17 "Пахтакор"чининг йиғилган жасадлари Тошкентга келтирилди. Воқеадан хабардор мухлислар кўзлари жиққа ёш ҳолда аэропортдан то Боткин қабристонигача "жонли девор" бўлишиб, мотам карвонини кузатиб турдилар. Шу куни бутун республика йиғлади. Дафн маросимида сўзга чиққанлар, нима дейишини билмас, аниқроғи, бир сўз айтса, ўкириб йиғлаб юборгудек бир аҳволда эди… Бу ўзбек футболидаги энг катта фожеа эди…

…Маълумотларга кўра, ўша олис ўрмонни футболчилар самолёти қулаган жойида ҳалигача дарахтлар ўсмас экан. Кимдир томонидан бу ерга рамзий қабристон барпо қилиниб, атрофи ўраб қўйилган. Маҳаллий аҳолининг айтишича, яқин йилларгача бу ерга ҳалок бўлганларнинг яқинлари тез-тез келиб туришган.

### БЕШИНЧИ МАНЗАРА

Ўттиз йилдирки, Мирза муаллим ҳар йили августнинг 11-числосида бир йиғлаб олади. Ўтган асрнинг 70- йиллар ўзбек футболини томоша қилган ҳар бир ишқибоз шу куни ички бир соғинч билан кўзига ёш олади. Негаки, "Пахтакор"нинг ҳар бир ўйинчиси ўзининг алоҳида, бетакрор, гўзал ўйинлари билан миллионлаб кишилар меҳрини қозонган эди. Чунки улар "Пахтакор" деган оддий сўзни "Ватан" деган буюк даражага кўтаришди.

Хуллас, бу жуда оғир айрилиқ эди. На илож, ўлим ҳақ. Ўтганларнинг руҳини шод этмак — тириклар учун энг катта бурч. Қанийди, уларнинг издошлари тезроқ жаҳон чемпиони бўлишса… Уларнинг маҳоратлари бир куч бўлса, Ватанга муҳаббатлари минг куч бўлиб зафарларга етаклаган. Ватанни суйган фарзандларни Ватан суяди. Элни эъзозлаганни эл ардоқлайди. Етмишинчи йиллар "Пахтакор"и эзгу хотиралар оғушида мангу яшайди.

…Узр, устоз, бизлар "Пахтакор" бўлолмадик. Лекин кўнгил сезаяпти, "Пахтакор"нинг чинакам издошлари яқин кунлар ичида футбол оламида бетакрор юлдузлар бўлиб чарақлайди…

**Қувондиқ СИДДИҚ,**
**журналист.**

# ҚАРҒАШНИ БИЛМАГАН ҚАРҒА

АКС-САДО

## "Сўкиш бошқа, суйиш бошқа" 30-сон

Қизиғ-а? Яратган эгам ақл-заковат аталмиш бебаҳо неъмат улашмаган бир қушнинг «сўз луғати»да биронта ҳам ёмон ибора йўқ экан! Баракалла Гоша, дегинг келади беихтиёр.

Шундай хотинларни биламан: Боласини муштлаб, «сенинг кўкингни кияйин, илоё», деб қарғайди.



Шундай аёлларни биламан: Бозорни бошига кўтариб «башарангни бузиб ташлайми,қ….! Мен билан гап талашгандан кўра, эринг билан ўйнаш талашсанг бўлмайдими?» дея кўзлари ола-кула бўлиб бақиради.

Манави эркакнинг топтоза (у ёғини худо билади ҳалиям)оғзидан чиқаётган жирканч сўзларини қандай изоҳлайсиз? «Сен ҳали одам бўпқолдингми, итвачча? Кўзимга кўринма бугуноқ, сендай болани туққан онангга минг лаънат!»

Мана бу гапларни мактаб деворига ёзиб кетган болалар кимнинг фарзанди экан, дерсиз: «Фалончиев домла ғирт…» Ёки автобус ўриндиғига «Гўзал+ Одил=Севги» деган сўзларни битган қўл кимники экан?

Қолган гапларни ёзиш учун энди менга «темир»дан иборат қоғоз ва ручка, ниҳоят, музлаб қолган юрак керак, холос.

Ҳозир яна бир ғалати одат урфга кирди: у ҳам бўлса, маънавий-маърифий тарбиянинг қайси қирралари, у ахлоқ-одоб бўладими, кийиниш ё мусиқий тарбия масаласи бўладими, барибир, ҳеч ўйлаб ўтирмасдан ёшларга айбни ағдарамиз. Лекин ёшимиздан қатъи назар, ўзимиз ҳам бир инсоф ойнасига қараб олайлик. Хўш, қай бир соҳада бошқаларга ибрат бўлгулик ишларга қўл ураяпмиз ўзи?

Гапнинг бўлари шу: ҳеч бўлмаса газетада номи ёзилган гошачалик фаросатга эга бўлиш шунчалик қийинми? Қарға-ку 300 йил яшайди, деб устидан кулишни биламиз, лекин бизлар-чи, сўкишиб, қарғаниб юргандан кўра, беш кунлик ғанимат дунёда бир-биримизни эъзозлаб, ардоқлаб, суйиб яшасак яхши эмасми?

**Парвоз ЯХЁЕВА,**
**Хўжайли шаҳри.**

# Табиат мўъжизалари



***Навоий вилоятининг Хатирчи тумани Сангижумон қишлоғидаги қадимий тошлар.***

**Аҳмаджон ЭЛМУРОДОВ сурат-лавҳаси**



МАВЗУ

# АЁЛ ЭРКИГА ДАХЛ ҚИЛМАНГ!

**Биз аксарият ҳолларда фақат хотин-қизларга жисмоний озор берилган ҳолатлардагина уларга нисбатан зўравонлик қилинган, деб ҳисоблаймиз. Лекин шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: Хўш, уларнинг ички руҳий оламига дахл қилишни нима деб атаймиз?**

Негаки, инсоннинг, шунингдек, аёлнинг ҳам жамиятдаги, оиладаги ўрни ва вазифаларидан ташқари яна бошқа қизиқишлари, ўй-фикрлари, ўзи ёқтирган машғулотлари ҳам бўлади. Одатда уй бекаларидан кундалик юмушлар талаб қилинадию, аммо ўзи чин дилдан хоҳлаган иши билан шуғулланиши четдагиларга, айниқса, турмуш ўртоғи, қайнона-қайноталарга ғайриодатий туюлади. Ҳатто келиннинг маънавий дунёқараши билан боғлиқ яъни китоб ўқиши, мусиқа тинглаши, мустақил ижод қилишини ҳам назорат қилишга, ҳатто, чеклашга уринадиганлар, афсуски, орамизда кўплаб учрайди.



...Нигора турмушга чиқмасидан аввал корейсларнинг айрим сериалларини томоша қилишни ёқтирарди. Албатта, ҳаммасини эмас, биронтасига бошланишидан қизиқиб қолса, то тугамагунча унинг ҳар бир сериясини қолдирмай кўриб борарди. Ўша кино қаҳрамонлари қандай муваффақиятга эришса, қувонар, мушкул аҳволга тушиб қолса, уларга чин дилдан ачинарди. Хуллас, улар билан бирга «яшарди», гўё.

Тасодифни қарангки, Нигоранинг тўйи ўша, ўзи ёқтирган сериаллардан бири энг қизиқарли нуқтага етганида бўлиб қолса денг. У иложсиз чидади. Кечки пайт айни уйдагилар дастурхон атрофига йиғилганда сериал бошланади. Кўролмайди. Янги келин бир жойда ўтирмай, елиб-югуриб хизмат қилиши керак. Кундузи оила юмушларидан бўшаб, сериал такроран берилганда томоша қиладиган бўлди.

Бир куни келинчакнинг телевизорга тикилиб ўтирганини кўриб қолган қайнона жазавага тушди.

— Нима қилаяпсиз? Бу нима ўтириш?

Нигора айб устида қўлга тушгандек, дув қизариб кетди.

— Ойижон, шу сериални бошидан кўраётгандим, жуда қизиқ экан-да. Охиригача кўриб олай дегандим.

Қайнонанинг кўзлари чақчайди.

— Сериал, қанақа сериал? — деб сўради заҳархандалик билан. — Ота-онангиз ҳали сизга шундай тарбия беришганми? Ўзим ҳам сезувдим-а. Ана ҳовли тўла иш, сериал кўргунча ўшаларни бажаринг!

— Ойи...

— Ўчир телевизорни, яна бир марта экранга бақрайиб ўтирганингни кўрсам, ўзингдан ўпкала! — сенлаб юборди жаҳл устида қайнона.

Нигора индамай чиқиб, ишлар билан андармон бўлди. Сезди — гап қайтарса, оқибати яхшиликка олиб келмайди ва унинг кўнгил эрки билан ҳеч ким ҳисоблашмайди. Янги келин — янги хизматкор. Бемалол сериал кўриш ота уйида мумкин. Бу ёқда энди ҳамманинг — қайнона-қайнота, эри, қайнсингилу қайнукаларнинг кўнглидан чиқиши керак, вассалом.

— Келиним сериал жинниси экан. Қани энди тўрт бурчак қутининг дарчаси бўлса-ю, ичига кириб ёта қолса, — деб қайнонаси уни бир неча марта қўни-қўшниларнинг олдида изза ҳам қилди.

Келинчак қайнонасига ёқиш учун қўли косовга, сочи супургига айланди. Руҳидаги истакни ичига кўмиб, сиртига чиқармасликка тиришди. Неча кундирки, телевизорнинг яқинига ҳам йўламади. «Майли, қайнонам тинчисин. Кўнглига йўл топиб олай, кейин кўравераман», деб ўзига таскин берди. Қайнонаси эса баттар ўчакишди. Келиннинг хонасидаги телевизорни олиб чиқиб қўйди. Нигора чидади, эри ҳам онаси бир нарсани баҳона қилиб, бақир-чақирни бошласа «ҳай» демади.

— Дадам бевақт ўлиб, онам кўп қийинчиликларни бошидан кечиргани учун асабий бўлиб қолган, сабр қил!—деди.

Бу қайнона-келин ўртасидаги оддий можаро эмасди. Аксинча, ўз ихтиёри ўзида бўлган бир инсоннинг эркига дахл қилинди! Шу биргина биз арзимас дея ўйлайдиган хатти-ҳаракат унинг кўнгил дунёсини чилпарчин этмадими? Бир танбеҳи келинчакдаги орзу-ўйларни сўндиргани рост. Бу эса ҳеч шубҳасиз, озод бир инсоннинг ички туйғуларига, эркига тажовуз қилиш билан баробар эди. Оқибати яхшилик билан тугамади: Оддий сериал устида бошланган машмаша охири жанжалга айланди. Ўз эркидан айрилган келинчак ота уйига кетиб қолди...

Яна бир мисол. Мен билган қўшни қизнинг қисмати ҳам шунга ўхшаш Мафтуна исмли бу қиз мактабда аъло баҳоларга ўқир, жамоатчилик ишларида ҳам фаол иштирок этар, қўнғироқдек ёқимли овози ҳам бор эди. Байрам муносабати билан уюштириладиган турли тадбирларда қўшиқ айтарди. «Келажакда, албатта муаллима бўламан. Болаларни ўқитаман» деб орзу қиларди. Афсуски, Мафтунанинг орзуси армон бўлиб қолди. Мактабни битиргач, институтга киролмади. Худди шуни кутиб тургандай уйларидан совчиларнинг қадами узилмай қолди. «Қиз боланинг бозори бир марта қизийди» деганларидек, бўйи етган, харидори кўп қизни эса ушлаб ўтиришмайди. Мафтуна ҳам кўнгил майлига қараб эмас, отасининг хоҳишига кўра турмушга чиқди. Тўйдан сўнг хонасидаги бир жавон китобларни келинлик уйига олиб кетди.

Куёв эса китобга умуман қизиқмас, хотини китоб ўқиб ўтирганини кўрса, тепа сочи тикка бўларди.

— Йиғиштир, китоб ўқишни, энди ўқиб, олим бўлармидинг? — деб зарда қиларди.

— Бунинг нимаси ёмон? Ишларимга халақит бермайди. Бўш пайтларимда ўқийман,—деб у ўзини оқлашга уринарди.

— Шундан кўра бошқа фойдалироқ нарсалар билан шуғуллан!

— Китоб ҳам фойдали. Одамнинг фикрлаш доираси, дунёқарашини кенгайтиради.

— Бизга тори ҳам бўлаверади. Бас қил! Яна қўлингда китоб кўрсам...

Мана сизга, аёл эркига дахл қилишнинг яна бир кўриниши! Куёв умид билан бир ёстиққа бош қўйган хотинининг бошқа жиҳатларини қўятурайлик, ҳатто фикрлаш борасида ҳам ўзидан устун бўлишини истамайди. Энг даҳшатлиси, у келин уйда йўқлигидан фойдаланиб, йиллар мобайнида йиққан нодир китобларини арзимаган пул эвазига макулатурага топшириб юборади...

Мутахассисларнинг фикрича, оилаларнинг бузилишига ҳамда турли можароларнинг келиб чиқишига моддий етишмовчилик, фарзандсизлик, бир-бирини тушунмасликдан ҳам кўра, аёлларнинг ички дунёси, қизиқишлари, фикрлари билан ҳисоблашмаслик, аксарият ҳолларда улардаги ички «мен»ни инкор қилиш, менсимаслик сабаб бўлар экан.

Тўғри, аёлнинг энг асосий бурчи фарзандлар тарбияси, оила тотувлигини асрашдан иборат эканлигини ҳеч ким инкор қилолмайди. Албатта, бу масъулиятли ва шарафли вазифани адо этиш осон эмас. Лекин биримизга умр йўлдош, бошқамизга эса опа ё сингил бўлмиш мунис ва муҳтарама зот — АЁЛнинг ҳам ниҳоятда нозик кўнгил дунёси билан ҳисоблашмоқни ўрганайлик.

**Суюндик МАМИРОВ,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

# МАҲАЛЛАГА ПРОКУРОР КЕЛДИ...

Бундай гап бир замонлар аксарият кўпчиликда ғалати кайфият уйғотарди. Негаки, қишлоқ ё овулга маъмурий идорадан бирон вакил келса борми, тамом, кимдир жавобгар ёки бўлмаса жабрланувчи сифатида кўриларди. Демак, бекорга келишмаган...

Истиқлол йилларида эса бундай муносабат кескин ўзгарди. Одамлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш маҳкамалари ходимлари билан эркин, чин дилдан мулоқотга киришиш оддий кундалик ҳолатга айланди. Бу эса мазкур соҳада жамоатчилик билан ишлаш борасида кескин бурилиш бошланганлигини кўрсатарди.

Бугунги кунда исталган маҳалла-кўй, боғча ёки мактаб, ташкилот ҳамда муассасаларда энг аввало, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, ҳар бир фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаб етиши йўлида қатор хайрли тадбирлар олиб борилаётгани ижобий самара бераётир. Шу маънода Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа ва Тўрткўл туманлари прокуратураси ходимлари томонидан олиб борилаётган қатор амалий ишлар эътиборга лойиқдир.

Масалан, энг асосий куч ҳисобланган жамоатчилик орасида айни пайтда долзарб бўлиб турган масалалар — одам савдоси жиноятларининг олдини олиш бўйича аниқ тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, қишлоқ ва овулларда мунтазам равишда учрашувлар, мулоқотлар ўтказиляпти. Ҳар иккала туман прокуратураларининг саъй-ҳаракатлари туфайли мазкур ҳудуддаги барча ўқув юртлари(мактаб, лицей, коллеж)да одам савдоси бўйича махсус кўргазмали плакатлар, баннерлар ўрнатилган, шундай ҳолатлар юзасидан фуқаролар билан тезкор алоқа ўрнатиш бўйича махсус "Ишонч телефон"лари узлуксиз ишлаб турибди.

Шунингдек, Бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда аҳолини иш билан таъминлаш масаласида қабул қилинган ҳудудий дастурларнинг бажарилиши бўйича ҳам амалий фаолият юритилмоқда. Жонли мисол, ўтган йили Элликқалъа тумани миқёсида режа бўйича 2534 та янги иш ўринларини яратиш мўлжалланган бўлса, амалда бу рақам 2591 тага етди. Айниқса, хотин-қизлар учун иш ўринлари очишга алоҳида эътибор қаратилиб, 1294 ўрнига 1386 нафар аёл ишли бўлди. Бу анъана жорий йилда ҳам изчил давом эттирилиб, режа бўйича сал кам тўрт минг фуқаро учун янги иш жойларини яратиш кўзда тутилган. Ўтган олти ой орасида бу борада сезиларли ишлар амалга оширилди.

Шу ўринда яна бир муҳим жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш керак: у ҳам бўлса, турли йўллар орқали, яъни гоҳи адашиб, гоҳи билиб-билмай жиноятга қўл урган ва охир-оқибатда ҳар хил муддатларга озодликдан маҳрум этилиб ёки бошқа маъмурий жазолар тайинланган фуқароларнинг кейинги тақдирлари масаласи билан шуғулланиш борасида ҳам бу туман прокуратуралари кенг жамоатчиликка кўпроқ таяниб, иш кўришмоқда. Чунки буни ҳаёт дейдилар, ҳеч ким онадан жиноятчи, ўғри ёки каззоб бўлиб туғилмайди. Бу аввало, шу шахс тарбияланиб, вояга етган оила, атроф муҳит, ва ниҳоят жамоатчилик билан боғлиқ бўлган жараёнлардир. Албатта, "жиноятчи" деган тамғани кетказиш, ўзи йўл қўйган мудҳиш хатоликларни тузатиш улар учун осон кечмайди. Ана шундай пайтда энг аввало, маъмурий идоралар ҳамда аҳоли, маҳалла-кўйнинг кўмаги катта ўрин тутади. Шундай пайтда улар ўзаро бамаслаҳат фаолият юритсалар олам гулистон.

"Маҳаллага, овулга прокурор келди, мелиса ёки суд ижрочиси келди"десалар энди ҳеч ким чўчимайди. Аксинча, улар билан ўтказиладиган турли мавзулардаги юзма-юз мулоқотлар, учрашувларда ўзларини ўйлантираётган саволларга жавоб топадилар.

**Авазжон БЕКМУРОТОВА,**
**"Оила ва жамият" мухбири.**
**Қорақалпоғистон Республикаси.**

ҚИЛМИШ — ҚИДИРМИШ

# ЗИЁФАТ КАСОФАТГА АЙЛАНДИ

...Ҳаёт гаштини фақат ебичишдан, кайф-сафодан иборат деб билган тўртовлон «Матиз» автомашинасида тўппа-тўғри қумга қараб, равона бўлишди. Манзилга етиб келишди. Ҳайдовчи дарров қўлбола ўчоқ ясаб, шўрва осди. Шериклари уч нозанин кўрпачаларни тўшаб, дастурхон тузатишди. Базми жамшид бошланди. «Матиз»нинг эшигини очиб, магнитофонни қўйиб юборишди. Шўх, ўйноқи, эҳтиросли қўшиқ янгради:

***Белларингнан бир тутсам гап гетди,***
***Бол лабидан...***

«Жаннатнинг ўзи-ку бу ерлар! — хаёлидан ўтказишди улар. Ешлик даври, кайфингни суриб қолиш керак!» Ҳаммаси яхши бўлади. Аммо зиёфатнинг касофати қайтишда рўй берди. Спиртли ичимликлар истеъмол қилганидан «базм бош қаҳрамони» — ҳайдовчи бошқарувни йўқотди. Машина ағдарилди. Икки қиз Каромат ва Шаҳлолар (исм-шарифлари ўзгартирилган) воқеа жойида вафот этди. Раҳимжон эса оғир тан жароҳат билан касалхонага ётқизилди.

Яқинда тўқликка шўхлик қилган хивалик Ҳамробек Юсуповнинг иши судда кўриб чиқилди ва у узоқ муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

**Абдулла САФОЕВ**



…1985 йилнинг сентябри эди ўшанда. ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг Ўзбек филологияси факультетига сиртдан ўқишга кириб, минг бир ҳаяжон ила дарсга бордим. Каттакон аудитория. Биринчи сабоқ, биринчи танишув. Кимдир мактабда, бошқа биров қурилишда, яна бошқаси бекорчи, хуллас, бир ҳафта ичида ҳаммамиз бир-биримиз билан танишиб олдик.

ХОТИРА ЁҒДУСИ

# ШАРИФНИНГ ШОИР ОТАСИ

Албатта, орамизда шоирлигу олимликка даъвогарлар ҳам, уста кўрмаган ҳаваскор созандаю камтарин, камсуқум муаллимларгача бор эди. Лекин уларнинг ичида қорачадан келган, қирғий бурун, камгап ва ҳар доим аудиториянинг энг охирги қаторида ўтирадиган бир йигит билан сессияни тугатиб қайтаётган кунимиз гаплашиб қолдик. Қашқадарёнинг Ғузоридан эканлиги ва онаси мактабда бошланғич синфларга дарс беришини, ўзлари яшайдиган жойни "41-бекат" деб аталишини айтди-да, кетиб қолди. Шу-шу у билан учинчи курсгача яқинроқ дардлаша олмадик. Кейин…

Бир куни қўлида уч-тўртта шеърий китобларни кўриб қолдим. Қарасам, яхшигина таҳлил қила олади. Ҳазиллашиб, "бу Шарифбой, ўзлариям шоирмилар ё?" десам, юз-кўзлари сал ўзгариб, бир оздан сўнг маҳзун оҳангда "менинг отам шоир эди, жўра" дея маъюс тортиб қолди. Аввалига ҳайрон қолдим. Унинг ҳолатини кўриб, "ким?" деб сўрашгаям ботинолмадим. Охири ўзи "Гелди Бердиев деган шоирни эшитганмисиз?" деб қолди…

Эшитган эдим, ҳатто айрим шеърларини газеталарда ўқигандим ҳам. Барибир кўнглимда бир савол турарди: "Хўш, унда нега у отам шоир эди…" дея сал ўксиниброқ гапирди?" Кейин билдим. Уйларига меҳмон бўлиб борганимда онаси, «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси» деган шарафли унвоннинг илк соҳибаларидан бири — **(Оллоҳ раҳмат қилсин, умрининг охиригача ғузорлик бошланғич синф болакайларига сабоқ берган эди** — муалл.) Шарофат опа билан гурунглашганимдан кейингина Шариф курсдошимнинг кўнглидаги армонли саволларга жавоб топгандай бўлдим.

Раҳматли Шарофат опа шундай ҳикоя қилган эди:

*— Гелди Бердиев катта ижодкор эди. Энг муҳими, ҳеч бир иқтидор соҳибида учрамайдиган қирраларни у кишида кўрганлар ҳайратга тушарди. Яхши шоир, истеъдодли рассом, нозик дидли адабиётшунос, санъатшунос, ўткир драматург эди. Минг афсуски, тақдир экан, ажрашиб кетдик, икки ўғли, уч қизини тарбиялаяпман. 44 ёшида дунёдан ўтиб кетди раҳматлик. Тириклигида қадр топмади, кўп қийинчиликлар бошидан ўтди. Жуда ҳақиқатгўй ва тўғрисўзлиги учун анча жабр кўрди. Қанча асарлари қўлёзма ҳолида қолиб кетди, ким чиқаради уларни? Ҳеч ким эътибор бермайди?*

Бу гапларни йигирма йил аввал эшитган эдим. Шундан бери қанча талотумли кунлар ўтди. Юртимизда истиқлол насимлари эсиб, халқимиз озодлик деган нақадар тотли бўлмиш сўзнинг таъмини тотди. Биз эса Шариф билан гарчи тўн кийишиб, ошна бўлмаган бўлсакда, чин юракдан дўстлашиб кетдик. Ниҳоят…

Ўтган йилнинг кузида Шариф телефон қилиб, "кеча тасодифан Абдулла Орипов ва бир неча шоирлар билан бир даврада ўтирганимда отам ҳақида гап очилувди, Абдулла ака "Гелди Берди биз билан замондош эди, жуда яхши ёзарди у, таржима асарлари ва драмалариям бор, э, ўғилларимисан, балли, отангни руҳини шод қилишимиз керак болам, қандай ёрдам керак бўлса берамиз" деди. Шунга тайёргарлик кўраяпмиз. Насиб этса, Наврўз арафасида отамизнинг хотира кечасини ўтказмоқчимиз, қўлёзмаларини қидириб топдик ва китобларини ҳам чоп эттирамиз" деб қолди.

Афсуски, Ғузорга боролмадим, лекин ғоятда файзли ўтган кечанинг таърифини эшитиб, бошим осмонга етди.Ва менга қаттиқ таъсир қилган жиҳати, ота-оналарининг бу дунёда айро тушган қисмат йўллари ўз фарзандлик бурчларини шараф билан адо этган Шариф ва Бахтиёр, Муҳаббат (ўтган ҳафта дунёдан ўтибди, илоё, Оллоҳ раҳмат қилсин!), Юлдуз, Инобатлар тимсолида рамзий бўлса-да, "бирлашди". Қолаверса, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, вилоятда яшаб ижод қилаётган шоирлар ҳамда тумандаги адабиёт ихлосмандлари, туман ҳокимлиги ва эл-улус бир умр шу муқаддас тупроқни суйиб, ардоқлаб, халқимизнинг эркли, саодатли, Ватанимизнинг озод ва ҳур бўлишини орзу қилган ҳассос шоир Гелди Бердиевнинг ўлмас хотирасини эъзозлаб, ёд этишди.

Унинг 1974 йилда "Биринчи қор" деб номланган илк шеърий тўплами чоп этилган. Айтишларича, 1982 йили иқтидорли шоирнинг икки юзга яқин шеърлари жамланган "Қайлардасан, овозим?" китоби нашр этиш учун тайёрлангану… Лекин номаълум сабабларга кўра шеърхонлар қўлига етиб бормаган. Фақат истиқлол шарофати туфайлигина 1992 йилда "Насаф" нашриёти томонидан бу тўплам дунё юзини кўрди. Шоирнинг ғайратли ўғли Шарифнинг эътироф этишича, отаси ўз эсдаликларида ("Субҳидам"(1975),"Асрлар фожеаси"(1976), «Майна Ҳасанова» (йили маълум эмас) ва яна битта драматик асар (номи аниқланмаган) ёзган. Шунингдек, Расул Ҳамзатовнинг "Онани ардоқланг" достонини, Максим Танк, Қайсин Қулиев, Сулаймон Рустам, Жобир Наврўз, Георг Эмин ва бошқа ижодкорлар ижодидан намуналарни ўзбекчага ўгирган.

Шу ўринда шоир ижодидаги ўзига хос жиҳатга эътибор беринг: 70-йилларда шундай сатрларни ёзиш осон эмас ва бунинг учун катта юрак керак эди:

***Қуёш билан чулғардим мен,***
***Она ер соясини,***
***Мен ўзбекнинг байроғини***
***Тикар эдим куррага…***

* * *

***Тиғларга тутаман ўзни гоҳида,***
***Тунлари уйғониб кетаман бехос.***
***Армоним биттадир, Ўзбекистонни,***
***Ишончли қўлларда кўриб ўлсам, бас!..***

Шоирликни қисмат деймиз, тақдири азал деймиз. Лекин фарзандлик-чи? Унга қандай таъриф айта оламиз? Ота-она номини эъзозлаш, уларга садоқат кўрсатиш ҳамманинг ҳам қўлидан келаверадиган иш эмас. Гелди Бердиевдек юраги ёниб яшаган шоирнинг ўғли деган шарафли номни оқлаётган дўстимга таъзим қиламан ва чин маънода халқимизнинг халқчил шоири раҳматли Муҳаммад Юсуфнинг ушбу ўтлиғ сатрларини юрагимиз тўрига ёзиб қўйсак кам бўлмаймиз:

***Имони соф, юзга кириб ёруғ юз,***
***Тўйлар кўриб елкасидан тоғ тушсин.***
***Жисмига сўнгги сафар олдидан***
***Ўз боласин қўлидан тупроқ тушсин…***

**Норқобил ЖАЛИЛ**

**ГАЗЕТА САҲИФАЛАНАЁТГАНИДА:**

**Ғузордан Шариф телефон қилиб қолди: "Ошна, яқинда отам раҳматлининг онамга ёзган хатини топиб олдик. Минг афсуски, бу мактуб турли сабабларга кўра, ўз эгасига етиб бормаган. Агар мумкин бўлса, шундан бир парчасини бўлсаям эълон қилинг. Зора, бизга ўхшаб, тақдир ўйинлари туфайли отаси тириклигида дийдорига тўёлмаган фарзандларга бу ҳам бир сабоқ бўлса!"**

**Қуйида ўша хатдан олинган айрим парчаларни эътиборингизга ҳавола этаяпмиз.**

*«Шафоат! Мен бугун сендаги бардошга таъзим қиламан. Худонинг менга ато қилган азобларидан бири Хотирадир. Мен ҳануз ҳеч нимани унутолмайман. Қани эди ўтиб кетган йиллар хотирамни, ўтмишимни хиралаштирса. Бугун тўртинчи марта Шариф* ***(тўнғич фарзанди — муал.)****ни узоқдан кузатдим. Мен ўзимни кўрдим. Унинг қадам ташлаши, ёзиши, вазминлиги, ҳаракатларидаги чўрткесарликлари менинг ўша 18 ёшлигим! Сен ҳам эслай оласанми? Сен беш фарзанд билан овундинг, мен эса ўзим ҳам билмаган нимани дир (у бахтми, келажакми, ҳақиқатми, азоблардан лаззатланишми) ахтариб яшадим. Ой деган сўз ойга ярашади, қуёш деган сўз қуёшга ярашади, Шафоат! Менга эса… Орттирган нарсам битта кутубхона. Яна бир талай қўлёзмалар, шеърлар, драмалар, музика, тасвирий санъат ҳақидаги мақолалар. Ана шулар ишончли одамнинг қўлида қолишини истайман. Мана, орадан 13 йил ўтибди. Яна шундай йиллар ўтаверади. Ҳозир бир ўзим яшаяпман. Ҳамма гап энди сенга боғлиқ.*

**Сени ва болаларимни меҳр билан қучиб: ГЕЛДИ.**

**4 октябрь, 1980 йил"**

ФАЙЗЛИ ХОНАДОН СОҲИБИ БЎЛИШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ?
**Унда «Ибрагимбек» хусусий фирмасига қарашли**
**«ШОДИЯ»** салонига мурожаат қилинг!

*Салон чеварлари тиккан элита пардалар хонадонингизга чинакам гўзаллик олиб киради. Бундан ташқари, салонда кечки либослар, таклифномалар ҳам тайёрланади. Шунингдек, аёллар ва эркаклар сартарошхонаси, уяли алоқа тармоқларига уланиш хизматларидан ҳам фойдаланишингиз мумкин. «ШОДИЯ» салонига буюртма берганлар ҳеч қачон норизо бўлмаган!*



*МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, 13-мавзе, 26-уй (кўча устида)*
*МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 128-99-58, 412-92-19.*



# ДОЛЛАР ТОПИБ ОЛДИМ...

**ДИҚҚАТ, ФИРИБГАР!**

**— Синглим, манави пул сизникимасми?**

**— Уч марта чақирдим, эгаси чиқмади, нима қилай энди?**

**— Келинг, яхшиси, бўлишамиз!**

Хулкар деган дугонам айтиб қолди:" Бир куни тиш дўхтирга шошилиб кетаётсам, ортимдан биров чақирди: «Ҳой синглим, қаранг, беш юз доллар топиб олдим, бўлишмаймизми?» Ҳайрон бўлдим-да, индамай йўлимда давом этдим. Бир пасдан сўнг "беш юз кўкимни йўқотиб қўйдим, ҳеч ким кўрмадими?" дея бир йигит ҳаллослаб келиб қолди. Соддалик билан "анави одам топиб олибди, шекилли, ҳозир айтаётувди" дедим унга қараб. У эса бамайлихотир мендан узоқлашди. Кўп ўтмай, яна ўша, "топалоқ" пайдо бўлди. "Нима қилдик, синглим, ўйлаб кўрдингизми? Келинг энди, мен анавини чалғитиб келаман, сиз шу пулни ушлаб туринг-да, менга тилла буюмларингизни гаровга бериб қўясиз, сўнгра бўлишиб оламиз долларни" деса бўладими.

Ишонасизми, унинг энди очиқчасига товламачиликка ўтаётганини сезсам-да, бамайлихотир "Йўқ, амаки, менга керакмас, тилла тақинчоғим ҳам йўқ, бир бечорани нима қиласиз қон қақшатиб, топиб олган бўлсангиз бермайсизми ундан кўра, суюнчисини беради-ку ўзи" дея секин автобусга чиқиб кетдим..."

Қизиқ, бу энди нимаси бўлди? Куппа-кундуз куни товламачилик қилишдан тоймаётган ана шундай кимсаларнинг бундай хатти-ҳаракатини қандай изоҳлаш мумкин? Бир пайтлар вокзал ва автобус бекатларида шундай ҳолатлар рўй бергани эсимда. Яъни "ангишвона" ёки картабозлик ва бошқа лотереяга ўхшаш ўйинлар орқали соддадил одамларни лақиллатиб, пулларини шилиб олишарди. Энди эса...

Тан олайлик, кўпинча ўзимиз кўнгилчанлик ёки лақмалик қиламиз-да, кейин ҳалиги фирибгарларни койиб юрамиз. Лекин шундайлар "тўрига илинган"ларни сал аввалроқ каззоблар тўдаси ўзларига оғдириш учун минг битта ёлғонни тўқиётганида нега жимгина ўтирамиз? Ўз тинчимизни кўзлаб, "менга нима, алданса ўзига қийин, кўзи очилади" деб бепарво муносабатда бўламиз. Шу яхшими?

Энг яхшиси, кўзимизни каттароқ очиб, бундай сохта "пул топармон"ларнинг пайини қирқиш учун биргаликда курашайлик. Ана шундагина улар кўчадан сўм ёки доллар эмас, аксинча, инсоф, виждон топиб олган бўлишармиди?

**Шаҳноза РОФИЕВА,**
**"Оила ва жамият" мухбири.**


*Азал азалдан бизнинг халқимиз бунёдкорлик бобида дунёга танилган. Айниқса, истиқлол йилларида ҳам бу боқий анъана изчил давом этиб, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кўзларни қувонтиргулик иншоотлар, бинолар қурилди. Бундай хайрли ишларни амалга оширишда қўли гул қурувчи-бинокорларнинг улуши ниҳоятда катта бўлмоқда. Юртимиз ободлиги ҳамда шаҳар-қишлоқларимизнинг янада чирой очиб, гўзал бўлиб бориши йўлида фидойилик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилаётган барча бунёдкор-қурувчи ҳамкасбларимизни*

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ КИТОБ ТУМАНИДАГИ "АЛ-ЖАСУР" ҚУРИЛИШ ФИРМАСИ ЖАМОАСИ**

**9 — август куни кенг нишонланадиган касб байрамлари билан самимий муборакбод этади.**

Азизлар, сизларга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчтотувлик ҳамда хайрли ишларингизда омад ва зафарлар ҳамиша ёр бўлишини тилаймиз.




**Байрамингиз муборак бўлсин!**

КЎЗГУ

# «ДУШМАН» ТОМОНДАН МЕҲМОН

## ёхуд қайнона ҳангома эмас

Хусусий радиоканалларининг бирида бошловчи қиз қўнғироқдек овози билан тингловчиларга қуйидаги латифани айтиб берди. «Қайнона куёвидан «менинг поездим кетишига қанча вақт қолди» деб сўради. Куёв ҳозиржавоблик билан «икки соату 15 сония» деб жавоб берди. Бу латифани эшитиб, сизнинг ҳам лабингизга беихтиёр табассум югурдими? Кейинги вақтларда газета саҳифаларида ҳам худди шундай латифаларга тез-тез дуч келаяпмиз. Ҳатто таниқли қизиқчиларимиз ҳам худди шундай йўллар билан одамларни кулдиришга ҳаракат қилишаяпти. Лекин бундай бўлар-бўлмас ҳазиллар оналаримизнинг эътирозига сабаб бўлмасмикин? Ҳа, энди бу бир латифа, кулгу учун-да, дейишингиз ҳам мумкин. Лекин ҳар қандай ҳазилнинг ҳам тагида зили бўлади. Яқинда бир тўйда ўртакашлик қилган йигит қайнона-куёв ҳақида латифа айтиб, даврадагиларни гўёки кулдирди: «Куёв қайнонасининг дафн маросимидан қайтиб келаётса, дарвозадан ўтар - ўтмас бошига муз келиб тушибди. Бу ярамас қайнонам у ёқдаям тинч ўтирмайди, шекилли, деймай»... Бу билан нима демоқчи ўзи? Гапида на мантиқ, на маза-матра бор. Яна «узр, бу бир ҳазил, оналаримиз бахтимизга омон бўлсин» дея уларга бағишланган узундан узоқ қасидани ўқиб берганлигига нима дейсиз? Бошқа халқларни билмадиму, лекин бизда азал-азалдан куёвларга эҳтиром кўрсатиш анъанага айланган.

— Қайнонам бизникига келсалар худди фаришта киргандек бўларди, — дейди танишларимдан бири. — Келган куниёқ «кетаман»га тушарди. Мендан истиҳола қилиб, узоғи билан бир ҳафтагина турар, шундаям тиниб-тинчимасди. Кўрпа тўшакларнинг барисини янгилаб ўзи қавиб берарди. Хотиним туғруқхонага кетган куни қайнонам йўл узоқлигига қарамай, етиб келар, то чақалоқнинг чилласи чиққунча бешикка белаб, чўмилтириб берарди.

Ҳақиқатан ҳам негадир қайноналар одатда куёвига кўпроқ ён босадилар. Чунки улар қизининг тинчлигини ўйлайдилар. Куёви билан қизи бахтли яшаса бўлди. Бу ҳаётда турли хил воқеаларга гувоҳ бўлганмиз. Айрим қайноналарнинг келинига «кетавер, сенинг ўрнингга онаси ўпмаган қизни олиб бераман» дея ҳеч иккиланмай айтган гапларини кўп бор эшитганмиз? Лекин қизнинг онаси куёвига «қизим сиз билан яшамаса яшамас, қизимни бошқа эрга бераман» деган гапини ҳеч эшитганмисиз? Ана шундай, қайноналар куёвларининг яхшисини ошириб, ёмонини яширадилар. Куёви ичиб келиб, қизига қўл кўтарса ҳам унга инсоф сўрайдиган ҳам қайнонадир.

Яқинда таҳририятимизга бир мактуб келди: «Қайнонам туфайли оилам сақлаб қолинди. Бирга ишлайдиган аёлга илакишиб қолдим. Бир куни ишхонамга мени сўроқлаб қайнонам келди. Олдига чиқдим. Ҳар доимгидек меҳр билан елкамга қоқиб сўрашди. Кейин «ўғлим...мен сизни ўғлим деганман. Иккита



гулдай болангиз бор. Қизим ҳали бу ишингизни билмайди. Мен ҳам унга айтмоқчи эмасман. Иссиғида чек қўйинг. Охири барибир яхшилик билан тугамайди. Мен у аёлни яхши биламан. Сизни абгор қилади. Агар қизимда бирор айб бўлса, биргалашиб тўғрилайлик. Сиздан илтимос, яхшилаб ўйлаб кўринг. Қизим эшитиб қолиб ораларингизга совуқчилик тушмасин деб, ўзим келавердим» деди. Мен ўшанда қайнонамнинг илтижоли, мунг тўла кўзларини кўриб, очиғи, ўзимни ёмон кўриб кетдим. Ана шундан сўнг вақтида этагимни йиғиштириб олдим. Яхшиям шундай қилганим. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, ўша аёл менинг энг яқин дўстимни «чув» туширди. Уни уй-жой, машинасидан ҳам мосуво қилгани етмагандай гулдай оиласидан ҳам ажратди. Қанчадан қанча сувлар оқиб ўтди. Лекин раҳматлик қайнонам ўша сирни ўзи билан олиб кетди. Бир оғиз лом-лим демади...»

Ҳа, бундай воқеалар ҳаётимизда кўп учраб туради. Талабалигимда андижонлик бир дугонамникига меҳмонга бордик. Ўшанда унинг опасидан «эрим билан ажрашаман, уйга қайтиб бормайман» деган гапни тасодифан эшитиб қолдим. Мен қўшни хонада ўтирган бўлсам-да, она-боланинг суҳбати бемалол эшитилиб турарди.

— Эринг ичадими?

— Йўқ.

— Урадими?

— Йўқ.

— Саёқ юрадими?

— ...

— Ҳа, унда нимага «ажрашаман» деяпсан?

— Бўш, латта, пул топишни билмайди.

— Мен битта-ю битта арзанда қиз эдим. Раҳматли дадангнинг феълини биласан. Қаттиққўл, жудаям инжиқ эди.

— Барибир сизни ҳеч нарсага зор қилмаган-ку!

— Гап фақат пулдами? Майли, эринг кўп пул топсин. Лекин сенга хиёнат қилса, ҳеч нарсани сен билан ҳисоблашмаса, нима қилардинг?

— Пулиям бошидан қолсин, яшамасдим.

— Мен ўттиз беш йил яшадим. Ҳаммасини кўриб-билиб туриб, кўзимни юмиб яшадим. Сенларни деб отангнинг хиёнатини кечириб яшадим.

— Нега, нега биз билмаганмиз, отам-а...

Дўконга нонга чиқиб кетган дугонам қайтиб келгач, суҳбат узилди. Ўша куниёқ унинг опаси уйига қайтиб кетди. Дугонамнинг онаси қизининг бахти деб юрагида сақлаган энг қора ва ҳеч кимга айтиб бўлмайдиган сирини очди...

Доим бир танишим уйига хотинининг онаси келса, «уйга «душман» томондан меҳмон келди» дерди. Тўғри, у буларни ҳазил тариқасида айтарди. Лекин қайнона ҳам она-ку! Баъзида ҳаётда қизига тўғри йўл кўрсатиш ўрнига қизи билан куёви ўртасига ўзи билмаган ҳолда раҳна соладиганлар ҳам учраб туради. Бу онанинг характери ва тарбиясига боғлиқ. Лекин бу қайнона яъни она деган буюк зот ҳақида латифа тўқилишига сабаб бўлиши керак дегани эмас-ку.

Бу латифаларни ўқиб ёки эшитиб, катта бўлаётган ёшлар келажакда қайноналар ҳақида яхши фикрда бўладиларми ёки чойхона, гап-гаштакларда шундай латифаларни айтиб, ҳузурланадиларми? Тўқилаётган ёки таржима қилинаётган бундай латифалар ёшлар маънавиятига, оналаримизни эъзозлашга бўлган қарашларимизга путур етказмаслиги керак. Чунки юқорида айтганимиздек, кейинги пайтда айнан шундай мавзудаги латифалар одамлар эрмагига айланмоқда.

**СЎНГГИ СЎЗ ЎРНИДА:**

***Яна хусусий газеталарнинг бирида қуйидаги латифага кўзим тушди:***

***«Телефон жиринглади. Гўшакни куёв кўтарди.***

***— Алло, эшитаман.***

***— Мен қайнонангизман. Эртага бормоқчи эдим. Лекин режам ўзгариб, бормайдиган бўлдим, ўғлим.***

***Куёв гўшакни қўйиб хотинига юзланди, қувончини яширолмай:***

***— Онанг келмас экан, — деди.***

***Бир оздан сўнг яна телефон жиринглади.***

***Гўшакни кўтариб ким биландир гаплашган куёвнинг ранги гезарди ва ўзига ўзи деди: «Тавба, қариганда қайнонам лафзидан қайтиб ўтирса-я!»***

***Латифани ўқиб бу гал юзингизга табассум югурмади. Бир нуқтага тикилганча ўйланиб қолдингиз. Чунки...***

**Барно СУЛТОНОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

«ЭНГ ЗУККО ОИЛА»

## ФИКР БЕЛЛАШУВИГА МАРҲАМАТ!

### 1-САВОЛ

**Америка психологларининг таъкидлашларича, бундай ўйинларга берилиб кетиш гиёҳвандлик каби касаллик экан. Жанубий Кореяда олимлар бу хил бемор ўйинчиларни даволашнинг самарали усулларини ўйлаб чиқмоқдалар. Москва психо-эндокринология маркази директори уни танбаллар ва пессимистлар ўйинлари деб баҳолаган.**

**Оила даврасида бир муҳокама қилиб кўринг-чи, жаҳон жамоатчилигини ташвишга солаётган бу ўйинлар қандай ўйинлар?**

### 2-САВОЛ

**Азалдан одамлар янги ой чиқиши, ой тўлиши билан боғлиқ кўп ҳолатларни кузатганлар, айрим сирларни ҳам англаб етганлар. Денгизларнинг ҳаракати ҳам ойнинг ҳолатлари билан боғлиқ деб изоҳлашади. Хўш, сиз бу ҳолни қандай тушунасиз?**

**Ғолиблар учун таҳририятнинг махсус совғаси бор.**

МИЛЛИЙ КИНО

# КИМЛАР КЎПРОҚ КЎРАЯПТИ?



Бугун кўпчилик, ёшу қари ҳордиқ чиқариш учун айнан кино кўришни афзал билмоқда. Кинотеатрларимиз доимо одамлар билан гавжум. Сўнгги йилларда ўзбек кинематографиясида ривожланиш кузатилди, десак муболаға бўлмайди. Сони жиҳатдан қисқа муддат ичида ўнлаб бадиий фильмлар яратилди. Сифат борасида бир нима дейишдан олдин эътироф этиш кераки, бугунги томошабинда фильмларни танлаш ва баҳолаш имкони юзага келганлигининг ўзи қувонарли, албатта.

Янги яратилаётган ўзбек бадиий фильмларини томошабин қандай қабул қилаяпти? Киноижодкорларимиз томонидан суратга олинаётган фильмлар томошабин талабини қондиряптими? Чунки ҳар кимнинг диди, савияси турлича. Масалан, янги фильмларни доимий равишда кузатиб бораман ва табиийки, атрофимдагиларнинг фикрини билишга қизиқаман. Булар орасида танқидий қарашлар ҳам учрайди. Шу билан бирга ижобий фикрлар, мақтовлар ҳам талайгина. Масалан, кўпчилик ёшлар Рустам Саъдиев, Ёлқин Тўйчиев, Аюб Шаҳобиддинов, Соҳиб Аббосхон, Бурҳон Шаропов каби режиссёрларнинг фильмларини севиб томоша қиладилар ва уларга юқори баҳо берадилар. Ўрта ва катта ёшдагилар эса Зулфиқор Мусоқов, Жаҳонгир Қосимов, Баҳодир Одилов, Собир Назармуҳамедов каби режиссёрларнинг ижод маҳсулларини томоша қилишни афзал биладилар.

Фильмларимиз орасида турли жанрлардагилари кўп. Шунга қарамай, аксарият томошабин мелодрама ва комедия жанрларини кўпроқ яхши кўришади. Жангари, фантастик жанрлардаги фильмлар эса бармоқ билан санарли. Бу борада биз хорижий фильмларга мурожаат қилишга мажбурмиз. Кичик ёшдаги болалар чет эл фильмларидаги супер қаҳрамонларга тақлид қиладилар, уларни севиб томоша қиладилар. Бизда ҳам шундай миллий қаҳрамонлар, ўзбек халқ эртакларидаги жасур, мард, ботирлар оз эмас. Аммо улар ҳақида ҳозирча фильмлар кам суратга олинган.

Томошабин эътиборини тортган яна бир жиҳат, бу фильмлар учун ишланаётган реклама роликларидир. Шундай ҳолатлар бўладики, реклама томошабинни ўзига тортади ёки экранда қайта-қайта қўйилавергандан томошабинга таъсир этиб, уни қизиқтириб қўяди. Энг ёмони, рекламаси бошқача таассурот қолдирган фильмнинг ўзи умуман бошқача. Бунга мисол қилиб, «Шабнам» фильмини олишимиз мумкин. Ушбу фильм суратга олиниш жараёнларидан бошлаб рекламани жуда кучайтиришди. Ҳатто, миллий телеканалларнинг бирида бу ҳақда кўрсатув ҳам эфирга узатилди. Натижада бу кинога бўлган қизиқиш орта бориб, уни экранларга чиқишини томошабин сабрсизлик билан кута бошлади. Тўғри, фильм кўпчиликка манзур бўлди, лекин кутилгандай натижа бермади. Чунки у йилнинг энг яхши фильми номинацияси учун эълон қилинган танловга номзод сифатида қўйилган ҳам эди. Аммо ўтган 2008 йилда бу номга режиссёр Аюб Шаҳобиддиновнинг «Телба» фильми муносиб топилди. Дарҳақиқат, ушбу фильм турли ёшдаги томошабинларнинг қалбларидан алоҳида ўрин эгаллади, десак янглишмаймиз.

Шу кунларда ҳам янгидан-янги фильмлар киносеварлар эътиборига ҳавола қилинмоқда. Лекин ҳамма гап ана шу яратилаётган киноларни қанча томошабин кўраяпти? Бундай тадқиқотни ўтказиш пайти ҳам келди. Чунки бугунги мухлиснинг қараши, муносабати энди ўзгарди. Менинг назаримда, аста-секин турли йилларда яратилган фильмларни ҳам танлаб кўрадиган аудитория пайдо бўлди. Улар кечаги ур-йиқит, ўлдим-куйдим ё эртакнамо асарларни кўришни энди ёқтирмайди. Аксинча, ҳаётий ва бадиий жиҳатдан пишиқ фильмларнинг ишқибозлари кўпаяётгани кузатилаяпти. Бу эса соғлом рақобатни пайдо қилишига ишонгим келади.

**Дилноза МИРЗАЁҚУБОВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси.**

ҚИСМАТ

# ...КИМГАДИР ОЗОР ДУНЁ



«Кимгадир бозор дунё, кимгадир озор дунё...» Баъзан ғам ва ташвишлардан кўнглим зада бўлиб, ўзимга бир дардкаш қидира бошлайман. Шундай пайтларда мен учун қоғоз бағри кенг дўстга, қалам тиргак бўлгувчи ҳамроҳга айланади. Ичимда борини тўкиб соламан. Ёзаман, ёзавераман. Шунда ақлга бўйсунмаётган юракнинг ҳовури босилгандек бўлади...

Ўшанда орзуларим осмон каби юксак, хаёлларим тонг каби мусаффо эди. Бир мард йигитнинг суюкли ёри, бир хонадоннинг ибратли келини, ширин-дан-шакар фарзандларнинг меҳрибон онаси бўлишни истардим. Афсуски, ҳаётда бахтли бўлиш мен ўйлагандек осон эмас, кутилмаган зарбаларга ҳамиша тайёр туриш керак экан.

Мактабда аъло баҳоларга ўқидим. Санъатга иштиёқим баланд бўлгани учун дуторчилар тўгарагига қатнардим. Туну-кун китобдан бошимни кўтармай, асар қаҳрамонлари билан хаёл уммонида сузардим. Шу фазилатларим боис бошқа қизлардан ажралиб турардим, ўқитувчилар ҳамиша мени дугоналаримга ибрат қилиб кўрсатишарди. Мактабни битириб, журналист бўлмоқчи эдим. Аммо тоғаларим «катта шаҳарда қиз болага нима бор?» деб йўл беришмади. Онам «тоғаларинг нима деса, шуни қил» деди. Онамни тушуниш керак. Отам қазо қилганларидан сўнг тамоман акаларига суяниб қолган. Менинг орзуларимни деб улар билан «сан-ман»га боришни истамайди.

Менинг эса қўлимдан нима ҳам келарди. Аввал, савдо курсида ўқиб, дўконда сотувчи, сўнг матлубот жамиятида котиба, мусиқа тўгарагининг раҳбари бўлиб ишладим.

Ниҳоят, қалбимга ўтли муҳаббат кириб келди. Ўзига ром этган йигит ҳамкишлоғим эди. Исми жисмига мос — Ўктам. Мендек мағрур қизга севги изҳор қилган йигитларнинг барчаси рад жавобини олишганди. Лекин бу сафар уни севиб қолдим.

Ўктам ака мағрур, ориятли, бир сўзли, ширинсуҳан, жўмард йигит. Мени эъзозлаб авайлар, агар бирон сабабга кўра учрашувга келолмай қолсам, ўзини қўйгани жой тополмай қоларди.

Мен табиат унинг суврати ва сийратини қандай чизган бўлса, шундайлигича севардим. Унга елмоқчи бўлган совуқ шабадага кўксимни тутиб, унга келган балоларга ўзимни гирифтор қилишга тайёр эдим. Қаранг, севги-муҳаббат одамни не кўйларга соларкан?

Ўктам ака менга қайси гул ёқишини, ҳатто қайси рангдаги кўйлак ярашишини бехато айтиб берарди. Ўзим ҳам унинг дидига мос, чиройли ва бежирим кийинишга ҳаракат қилардим. Узун сочларимни битта қилиб ўриб юрардим.

Бизни бирга кўрганларнинг ҳаваси келар, «илоё, кўз тегмасин, худди узукка кўз қўйгандек бири-бирингизга жуда моссизлар-да» дейишарди. Ўктам ака мен билан ўзаро келишиб, айни ёзда уйимизга онасини жўнатадиган бўлди. Албатта, совчиликка!

Бу орада иккимиз бозорга тушдик. Менга кийим-кечаклар харид қилдик. Шу куни ғоят бахтиёр эдик, гўёки дунёда бизни бир-биримиздан ажратадиган кучнинг ўзи йўқ эди. Аммо кутилмаган зарбадан гангиб қолдим. Ўктам ака бир ёқда қолиб, тоғаларимнинг хоҳишига биноан, ўзим умуман танимаган, билмаган, ҳаётимда ҳам, хаёлимда ҳам йўқ йигитга унаштириш ҳақида гап чиқди.

Йиғладим-сиқтадим, кўнгил қўйган йигитим борлиги ҳақида секин онамга айтдим. Барибир менга ҳеч ким қулоқ солмади. Қайтанга тоғамнинг хотини «вой шарманда, шу гапларни айтишга уялмайсизми?» деб пичинг ҳам қилди.

Онам бечора бирдан мунғайиб қолди.

— Қизим, тўғри тушун. Менга боғлиқ эмас, сенинг тақдирингни тоғаларинг ҳал қилишади, — деб унсиз йиғлади.

Қисматга кўнишдан бошқа чорам қолмади. Ўктам ака билан сўнгги марта учрашдик.

— Сиз менинг бахтим эдингиз. Сизга атаб сарполар олгандик. Кеча бу совуқ гапни эшитгач, ҳаммасини ёқиб юбордим. Майли, бахтли бўлинг, — деди-да, ортига қайрилиб ҳам қарамай кетиб қолди.

Мен шу куни туни билан йиғлаб чиқдим.

Орадан кўп вақт ўтмай, тўйимиз бўлиб ўтди. Худди овчи чангалига тушган охудай эдим, қочганим билан кутқарувчи мард йўқ, жавдираган кўзларим, титроқ тўлган юракда қўрқув ва ҳадик бор эди.

Одам боласи ҳар қандай кўргуликка чидар экан. Юраги қон йиғлаётган бўлса ҳам, бошқаларнинг кўзи учун жилмая оларкан. Мен бу «рол»ни тоғаларим учун қойилмақом қилиб бажардим. Онамнинг ҳам юзига табассум югурди. Фақат мен...

Тўйдан сўнг ортда қолган ҳаётимга қўл силтаб, Ўктам акани унутишим, никоҳдаги эрим билан яшашга маҳкум эдим. Қанча ҳаракат қилмайин, Ўктам акани унута олмадим.

Афсуски, кейинчалик билсам, эримнинг ҳам севган қизи бор экан. Аммо онаси «у оддий оиланинг қизи. Биз сени тоғалари бойвачча қизга уйлантирамиз. Онаси дўхтир, ўзи жуда чиройли қиз», деб туриб олишгани учун менга рози бўлганини ўзи очиқ айтди.

Орадан ҳеч қанча ўтмасдан эса... эримнинг янада даҳшатлироқ «ҳунар»и борлигини сезиб қолдим. Уйимизга турли бир-биридан совуқ эркаклар келиб эримни сўрашар, у эса ўшалар билан аллақаерларга кетиб, икки-уч кундан сўнггина қайтарди. Хавотирланиб сабабини сўрасам, «менинг ишларимга аралашма» деб қўпол жавоб берарди.

Бир куни яна шундай қиёфадаги одамлар бостириб киришиб, бор-будимизни ўзлари билан олиб кетишди. Ҳаттоки, менинг келинлик сарполаримни ҳам қолдиришмади.

— Улар ким? Бундай қилишга нима ҳақлари бор? — деб эримга йиғлаб тармашдим. У эса бамайлихотир:

— Қиморда ютқазиб қўйдим, — деди, холос...

Мен шундаям чидадим. Онажоним билмасин, деб яширдим.

Орадан бир йил ўтгач, ўғил фарзанд кўрдим. Лекин эрим ҳеч ким билан ҳисоблашмайди. Мен неча бор «хўжайин, қўйинг, ҳалол ризқ топинг, ишланг», деб ялиниб, ёлворсам ҳам парво қилмаяпти. «Бу ҳам осон иш эмас, мия керак, юз сўмни олиш учун қанча найранг ишлатиш керак. Чидасанг шу, бўлмаса ана катта кўча, эшитдингми?» деб сўкиб берди.

Нима қилай, менинг дардимни ким тинглайди, айтинг?

**Дилнозанинг сўзларини С. МАМИРОВ ёзиб олди.**

ИҚРОР

# ДАВРАНИНГ ТЎРИ СИЗНИКИМИ?

Сочларига оқ оралаган нурли сиймони кўрмаганимга анча бўлибди. Зимдан соғинч тўла нигоҳимни унга тикаман. Кўзларида порлаб турган ҳаяжон, меҳрли нигоҳлар ўша-ўша. Биз бирор нарсадан хафа бўлиб қолсак, дарров қувончаклик билан бағрига босган, онамиз сингари меҳр билан овутган, жажжи қўлларимиздан тутиб, биринчи марта ҳарфлар ёздирган заҳматкаш қўллар ўша-ўша. Фақат бу кўзлар остидаги ажинлар кўпайган, қалин қора сочлар ўрнида оқлик. Ўз касбини жондан севган азиз устозининг қувватдан кетиб, анча қариб қолганлигини кўриб юрагимиз увишди.



Унинг маъюс кўзлари, маъноли нигоҳларидан кўп нарсани уқиб олиш қийин эмас. Анови ёш ва виқорли раҳбар аёл ҳам мана шу муаллиманинг қўлида таҳсил олган эди, аммо ҳозир бу ҳақиқатни тан олгиси келмагандек тўрга ўтиб олиб, йиғилганларга фидойилик ҳақида ваъз ўқияпти. Эсиз... Унга таълим берган мактабимиз раҳбари ҳам ҳайрону лол қолганча камтарона калом билан бир-икки оғиз маънили сўз айтганча даврадан чекинди. Кекса муаллимамиз бўлса ўзи етиштирган «ёш уддабурон»ларга термулганча бир чеккада дунёнинг ғалати ишларига лол қолиб ўтирарди. Аслида, давранинг тўри ана шу мумтоз ва заҳматкаш аёлники эди.

Мен унинг маъюс кўзларига боқиб, дунёи дуннинг бевафолигидан жабр чекдим. Устоз бу даргоҳга ҳурмат талаб қилиб келмаганди. У биз — собиқ ўқувчиларининг дийдорини кўриш илинжида келганди, холос.

Бу манзара давранинг иккинчи қисмида ҳам давом этди. Мана бу жавлон уриб нотиқлик қилаётган аёл шаҳардаги қайсидир ташкилотнинг раҳбарлигига ўтганига кўп бўлмаган. Мактабда баҳоли қудрат ўқир, ўйинқароққина эди. Не тонгки, бугун устозлар олдида ҳам заррача ийманмай, тўла қоматига тўр бойлаганча ўзини кўз-кўз қилиб ўтириши собиқ синфдошларни таажжубга солди...

Устоз, сиз ана шу шогирдингизга тикилганча лол эдингиз. Сиз аёлга иймонибгина қараб қолдингиз. Унинг пойинтар-сойинтар сўзларидан Сизнинг олдингизда хижолат тортдик. Аслида даврани очиш ҳуқуқи сиздагина бор эди, холос. Ахир, Сиз бундан йигирма беш йил аввалгидек биз учун азизу мукаррамсиз! Сиз бошқаларга ўхшаб ҳеч қачон биздан совғалар таъма қилмагансиз, қайтанга топганингизни бизга тутгансиз. Сиз ўттиз беш йил аввал бизни таълим масканида қандай очиқ чеҳра билан кутиб олган бўлсангиз, биз ҳам сизни ана шундай самимият билан қаршилашни истаймиз.

Биз мўътабар устозларни қадрлар, уларнинг сояси кўринди дегунча ҳурмат билан ўзимизни четга тортар, ҳузурларида бош эгиб турардик. Афсус, бугун ҳатто мактаб раҳбарига кўзини лўқ қилганча гап қайтариб турадиган болаларимизни кўриб ҳайратга тушамиз, дилимизни ҳадик чулғайди. Уларга ҳайрат кўзини тикмасдан, надомат чекмасдан, тўғри йўлни, яъни «устоз-шогирд» ўртасидаги мунаввар йўлнинг қонун-қоидаларини кўрсатиш кераклигини ҳис этиб юрагим увишади. Тўғри, ҳурмат сотиб олинмайди, аммо устознинг отадек улуғлигини унутиб қўйиш ҳам гумроҳлик. Қайси даврда устознинг мақоми бойлик билан ўлчанган?

Сиз биз учун ғоят қадрлисиз, устоз. Биламан, ҳаромдан ҳазар қиласиз, табиатингиз самимиятдан иборат. Эҳтимол, сўзга чанқоқлигигимиз, адабиётга бўлган чўнг ихлосимиз Сизнинг меҳнатларингиз самарасидир. Ўзи раҳбар бўлатуриб, ўта очиқ-сочиқ либосларда қўлига қадаҳ тутганча атрофдагиларга яшаш завқидан, беш кунлик дунёда «ўйнаб-кулиб қолиш» илмидан бонг ураётган манови ўқувчингизга таажжубланиб боқманг. Ундан фарқли ўлароқ, сиздан одамийлик сабоғини олган фаросат ва фасоҳат бобида аълолар, ҳалол нон топиб есётган шогирдларингиз ҳам бисёр. Улар сизнинг азиз номингизни ҳеч қандай бойлик ва мансабга алиштирмасликларига ишонинг, устоз. Сиз биз учун умрибоқий сиймосиз. Гарчи қатор унвонларингиз бўлса-да, ҳеч қайси даврада уларни пеш қилмайсиз, самимий чеҳрангиз барчага баробар боқади. Сизни ҳамон соғинамиз, кўргимиз, дардлашгимиз, қувончларимизни бўлишгимиз келади. Йиғилганларнинг айримларига боқиб, кўзларингизга сингган ҳадик хавотир мени ўйга толдирди. Сиз бугун гарчи давранинг тўрида бўлмасангиз-да, асл шогирдлар қалбининг тўридасиз, устоз! Сизга бўлган меҳримизни ҳамиша юракларимиз тубида асраймиз.

**Нигора ШОФАЙЗИЕВА**



ТАФАККУР ИҚЛИМЛАРИ

***Альберт Эйнштейн физиканинг кўплаб қонунларини кашф этган, ўз даврининг барча олимларидан ўзиб кетган йирик шахсдир. Аммо кишилар уни шунинг ўзи учунгина даҳо ҳисоблашмайди: Эйнштейн ажойиб физик бўлиши билан бирга, файласуф сифатида муваффақият қонунларини ҳам яхши билган. Унинг қуйида тақдим этилаётган энг машҳур ўнта ҳикмати бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.***

# ЭЙНШТЕЙННИНГ ЎНТА ҲИКМАТИ

**1. Ҳеч қачон хато қилмаган одам ҳеч қачон бирор янги иш қилишга уринмаган кишидир.**

Чиндан ҳам, кўпчилик хато қилиб қўйишдан қўрқиб, ҳеч қандай янги иш қилмайди. Аслида, бундан қўрқмаса ҳам бўлади; чунки муваффақиятсизликка эришган киши ғалаба йўлини ютуққа дарров эришган одамдан кўра яхшироқ билади.

**2. Маълумот бу — мактабда ўргатганларининг барчасини унутганингдан кейин қолганидир.**

Ўттиз йилдан сўнг мактабда устозларингиз ўргатган барча билимларни эсдан чиқарасиз. Фақат ўзингиз ўрганганларингизгина қолади.

**3. Тасаввурларимда мен худди рассом каби эркин чизаман. Тасаввур билимдан муҳимроқдир. Билим чекланган. Тасаввур эса бутун оламни қамраб олади.**

Инсоният аждодлари ғорда яшаган даврлардан ҳозиргача қанчалик тараққий этганини тушунсак, тасаввур кучини тўлароқ англашимиз мумкин. Бугунгача эришганларимиз аждодларимизнинг тасаввурлари ёрдамида қўлга киритилган. Келажакда қўлга киритиладигани эса бизнинг тасаввурларимиз ёрдамида бўлади.

**4. Ижоднинг сири ўз илҳом манбаларини яшира билишдадир.**

Ижодингизнинг ўзига хослиги, қисман сизнинг ўз манбаларингизни қанчалик яхши яшира билишингизга ҳам боғлиқ. Сизни бошқа буюк шахслар илҳомлантириши мумкин, аммо сиз бутун жаҳоннинг назарида бўлсангиз, энди ғояларингиз ўзингизгагина хос бўлиши зарур.

**5. Инсон қадри у нималарга эришишга қодирлиги билан эмас, балки атрофдагиларга нима бериши билан ўлчаниши лозим. Омадли инсон эмас, балки қадрли инсон бўлишга интилинг.**

Агар оламшумул шуҳрат қозонган кишиларга эътибор берсангиз, уларнинг ҳар бири бу дунёга нимадир берганига гувоҳ бўласиз. Олиш имкониятига эга бўлиш учун бериш керак. Қачонки мақсадингиз дунёда қадриятларни юксалтириш бўлса, ўшанда ҳаётнинг навбатдаги босқичига кўтариласиз.

**6. Яшашнинг икки усули мавжуд: сиз ё худди мўъжизалар бўлмайдигандек ёки гўё бу дунёда ҳамма нарса мўъжизадек яшашингиз мумкин.**

Агар сиз оламда мўъжиза йўқлигига ишониб яшасангиз, унда хоҳлаган ишингизни қилишингиз мумкин ва олдингизда тўсиқ бўлмайди. Ёки аксинча, ҳамма нарса мўъжизадир, деб яшасангиз, у ҳолда дунёдаги гўзалликнинг, ҳатто энг кичик кўринишларидан ҳам завқлана оласиз. Агар бир вақтнинг ўзида ҳар икки усулда яшай билсангиз – унда ҳаётингиз бахтли ва серунум бўлади.

**7. Мен ўзимни ва ўзимнинг фикрлаш услубимни ўргансам, шундай хулосага келаман: тасаввур ва хаёлот туҳфалари мен учун ҳар қандай мавҳум фикрлаш қобилиятидан кўра муҳимроқ.**

Ҳаётда сиз эришишингиз мумкин бўлган барча нарсалар ҳақидаги орзулар — бу некбинона ҳаётнинг муҳим унсуридир. Ўз хоҳишича кезиб, сиз яшашни истаган дунёни яратиши учун хаёлотингизга эрк беринг.

**8. Қўйлар сурувининг тўлақонли аъзоси бўлиш учун, биринчи навбатда қўй бўлиш керак.**

Агар сиз омадли тадбиркор бўлиб етишишни хоҳласангиз, бунинг учун ҳозирданоқ бизнес билан шуғулланишни бошлашингиз лозим. Бошлашни исташ, аммо оқибатларидан чўчиб туриш эса сизни ҳеч нимага олиб бормайди. Буни ҳаётнинг бошқа соҳаларига ҳам тадбиқ этиш мумкин: ютиш учун ҳаммасидан ўйнаш керак.

**9. Ўйиннинг қоидаларини ўзлаштириб олиш лозим. Кейин эса ҳаммадан яхши ўйнай бошлаш керак.**

Ҳаётнинг ўзи ҳам ўйинга ўхшайди. Қоидаларни ўрганинг ва ҳаммадан яхши ўйнанг: оддий ва шу билан бирга шарафли.

**10. Саволлар беришни тўхтатмаслик жуда муҳим. Қизиқувчанлик одамзодга бежиз берилмаган.**

Ақлли кишилар ҳамиша саволлар беришади. Масаланинг ечимини топиш учун ўзингиздан ва бошқалардан сўранг. Бу сизга янги маълумотларни олиш ва ўз даражангизни таҳлил қилиш имконини беради.

**Ҳамидбек ЮСУПОВ тайёрлади.**




**«АЙЛАНАЙ»** — бир қарашда бу сўзнинг маъносини изоҳлаб ўтиришга ҳожат йўқдай туюлади. Изоҳли луғатда унинг «садағанг кетай, қурбонинг бўлай, ўргилай» маъноларини англатиши изоҳланган. «Айлана» сўзи эса, «теварак-атроф» маъносини бериши айтилган. Барибир «айланай»даги образнинг пайдо бўлиши қизиқ. Парвона шамнинг атрофида айланади. Ер қуёш атрофида айланади. Одам эса яхши кўрган одамининг теграсида айланади.

Шу ўринда «айланай» сўзи билан «айил» сўзи ҳам бир-бирига алоқадорлиги сезилиб қолади. «Айил» — эгарнинг усти билан отнинг қорнидан айлантириб боғланадиган «тўқаш қайиш» деб изоҳланган изоҳли луғатда. Эҳтимол, «айлана», «айланиш», «айланай» сўзлари «айил» сўзидан келиб чиққандир. Бу фикрлаб кўриш учун бизнинг фаразимиз, холос.

**«ҚОРОВУЛ»** — «қаравул» шакли ҳам бор. «Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи» китобида бу сўз «соқчи, ҳарбий гуруҳ (овенност)» маъносида изоҳланган. Шунингдек, бу китобда «ясавул», «баковул», «шиғавул» сўзларига ҳам изоҳ берилган.

**Эшқобил ШУКУР тайёрлади.**

ТАБИАТ — ДОРИХОНА

# ТАРВУЗНИНГ ПЎЧОҒИ ҲАМ ДАВО

Тарвузнинг кимёвий таркибида 13 фоиз қанд, оқсил моддалари, пектин, крахмал, органик кислоталар, С, В1, в2, в6 РР, С каби дармон-дорилар бор. Шу билан ўзида аминокислоталар, кальций, магний, калий, фосфор, темир, натрий сингари маъданларни сақлайди. Тарвуз уруғида 40 фоиз мой, 35 фоиз оқсил моддалари, алколоидлар, фито стерин, каротин ва бошқа моддалар мавжуд. Мевасининг «гўштли» қисмида 80 фоиз сув бор.

Халқ табобатида тарвуз парҳез сифатида кенг қўлланилади. Унинг пешоб ҳайдовчи, заҳарга қарши, қувват бахш этувчи, таом ҳазмини яхшилайдиган, иштаҳани очадиган хосияти бор. Тарвуз юқумли хасталиклар — сил, ич терлама (қорин тифи), сариқ, ичбуруғ, юрак, буйрак, жигар каби касалликларда тавсия этилади. Майдаланган уруғи буйрактош ва ўт пуфагида тош бўлганда фойда қилади. Уруғидан тайёрланган дори офтобдан куйганда ишлатилади. Сут билан обдон аралашган тарвуз уруғи қон кетишини



тўхтатади. Уруғи гижжага қирон келтиради. Шуниси қизиқки, тарвуз уруғи — хитойликларнинг севимли, хушхўр таомларидан бири ҳисобланади. Улар тарвуз уруғини кинотеатрларда, таомдан кейин, чой ичиш пайтида, телевизор экрани олдида ўтирганда ёки дўстлари билан суҳбат чоғида истеъмол қилишади. Тарвуз уруғи анъанавий таом, ҳеч бир Хитой оиласи буни четлаб ўтолмайди. Хитой табобати китобида ёзишларича, тарвуз уруғи саломатлик учун ғоят фойдали экан.

Унинг ҳатто пўчоғи қовуқдаги тош ва ўт пуфагидаги тошни нуратишда яхши омил ҳисобланади. Бунинг учун 100 грамм майдаланган тарвуз пўчоғига 1 литр қайноқ сув қуйилади ва 30 дақиқа оловда милтиллатиб қайнатилади. Сўнгра ўт-тош, пешоб-тош касалликларида таомдан олдин 200 граммдан кунига 3 маҳал ичилади. Пўчоғи пешоб ҳайдовчи омил ҳамдир. Тарвузда темир моддаси борлиги учун беморларга малҳам бўлади. Улар тарвузни бир килограммдан кунига 4-5 марта истеъмол қилишлари даркор. Бунда бемор ҳар сафар бир граммгача темир моддасини қабул қилади.

Тарвузда қанд фруктоза ҳолида бўлганлиги учун қандли диабет билан хасталанган беморлар истеъмол қилишлари мумкин.

Илмий табобатда тарвуз бўғим, газак, подагра, паришонхотирликда даво сифатида буюрилади. Ичак фаолиятига самарали таъсир қилиб, холестеринни чиқариб ташлаш хосияти ҳам бор.

Яна шуни ёдда тутиш керакки, тарвузни эҳтиётлик билан истеъмол қилиш даркор. Бунда тарвузлар даво ўрнига баъзи нохуш асоратларни: қайт қилиш, қорин оғриқ, ич кетарликни келтиради. Ёш болаларга, буйрак хасталиклари — нефроз, пиело-нефритда ҳам уни ейиш тавсия этилмайди.

Кези келганда шуни қайд этиш даркорки, тарвузнинг бир тури — аччиқ тарвуз (Абу Жаҳл тарвузи ҳам дейилади) етиштирилади. Бу тарвузнинг хосиятлари алоҳида мавзу. Газетани ўқиб, кузатиб борсангиз, бундан воқиф бўласиз.

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, доришунос**




ООО «КОНТАКТ ЛИНЗАЛАР»

*32 йилдан бери фаолият юритамиз.*

**1. Офтальмология хизматлари**

— Диагностика (кератоконус, керотоглобус, астигматизм — ҳамма турлари афакия, гиппер-метропия, миопия);

— Барча турдаги кўзойнакларни танлаш;

**2. Барча турдаги юмшоқ линзаларни ишлаб чиқариш;**

-35,0- +30,0d

**3. Қаттиқ линзалар — индивидуал тайёрлаш (текширув ва танлаш);**

— Ҳаво ўтказувчи хусусиятга эга линзалар -35,0- +30,0d;

**4. Шоҳ пардага тушган оқ чандиқларни бекитувчи линзалар (кометик линза);**

**5. Юксак малакага эга шифокор хизмати;**

**6. Хизмат тури нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан.**

Email: kont@k Linzalar.uz. МАНЗИЛ: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Қорақамиш-8.
Мўлжал: Республика кўз касалликлари шифохонаси.
ТЕЛЕФОН: 246-77-51, 227-15-69

*Хизматлар лицензияланган*

НАДОМАТ

***«Ҳурматли таҳририят ходимлари! Мен газетангизнинг ҳар бир сонини қолдирмай ўқиб бораман. Ундаги мактублар билан танишиб, сизларга хат йўллашга қарор қилдим. Боиси менинг қалбимни бир изтироб кемириб келаяпти. Аммо буни ҳеч кимга ошкор айта олмаяпман. Бу сирларимни сизга тўкиб солиш орқали ўртанаётган юрагимга таскин бермоқчиман.***

# Кечиккан иқрор



Мен водийда истиқомат қиламан. Тақдир тақозоси билан қўшни туманга келин бўлиб тушдим. Мен тушган хонадон жудаям файзли, қайинбўйинларим бир-биридан меҳрибон, бир-биридан оқибатли, одамшаванда кишилар. Улар мени келин эмас, қиз ўрнида кўришарди. Қайниларим, қайинсингилларим менга «янга» эмас, «опа» деб мурожаат қилишарди. Айниқса, қайинукам рўзғорнинг ўтин ёриш, сув ташиш каби оғир-енгил юмушларни айтмасимдан олдин бажариб қўярди. Хуллас, мен у оиладагиларнинг энг яқин кишисига айландим. Орадан бир ярим йил ўтиб, қизли бўлдим. Уйдагилар боламни еру кўкка ишонишмасди. Амакиси қўлидан қўймай кўтариб юрарди. Бирор тўй-ҳашамга борадиган бўлсам, боламни ишониб, амакисига ташлаб кетаверардим. Қизим ҳам мен билан отасидан кўра кўпроқ амакисини яхши кўрарди.

Вақти-соати етиб қайним уйланадиган бўлди. У шаҳарлик бир қизни севиб қолиб, унга уйланди. Овсиним Нодирахон шаҳарлик бўлса-да, қишлоққа осон мослашиб олди. Қайнимни жуда севар, ҳурмату эъзозини жойига қўярди. Ўзи ҳам оиладагиларнинг эътиборини тезда қозонди. Қайним билан иккиси узукка кўз қўйгандек бир-бирига мос эди. Уларнинг муносабатларига атрофдаги қўни-қўшниларнинг ҳам ҳаваси келарди. Бу эса менинг нафсониятимга тегарди. Мен ўзимни бир четда қолиб кетгандек ҳис қилдим ва қай йўл билан бўлса-да, овсинимни ҳаммага ёмон кўрсатишга ҳаракат қила бошладим. Нодирахон жуда озода, саранжом-саришта, пазанда аёл эди. Ҳеч бир ишидан камчилик топиб бўлмасди. Энди мен кечаю-кундуз ундан ҳаммани совутиш йўлларини излай бошладим. У оппоқ қилиб ювиб қўйган кирларга секингина тупроқ сепиб ўтиб кетардим. Ёки пишираётган овқатининг оловини баландлатиб қўярдим ёхуд кўпроқ тузми, қалампирми солиб қўярдим. Аммо менинг бу қилмишларимдан ҳеч ким шубҳаланмасди. Чунки эримнинг оиласидагилар жуда ҳалол одамлар эдилар. Бу кирдикорларим иш бервермагач, бир куни боламни урибди деб туҳмат қилиб, овсиним билан жанжаллашдим ва онамникига кетиб қолдим. Эрим ҳам бизнинг орқамиздан онамникига борди. Бўлиб ўтган воқеаларни секингина онамга айтгандим, у киши: «Овсининг билан қайнингни яхши бир фолбинга бориб, иссиқ-совуқ қилдириш керак», — деб йўл кўрсатдилар.

Мен онамнинг маслаҳати билан яқин атрофдаги энг кучли фолбинга кетма-кет уч марта иссиқ-совуқ қилдириб келдим. Бунинг устига овсинимни уйдагиларга ёмон кўрсатишга тинимсиз ҳаракат қилардим. Унга қарши ҳар хил фитналарни ўйлаб топардим. Бир куни эшитсам ниҳоят, овсиним қайним билан уришиб, уйдан кетиб қолибди. Мен муродимга етдим, кўнглимдагидай бўлди. Аммо ҳеч қанча вақт ўтмай турмуш ўртоғим мени ташлаб кетворди. Ўшандан бери аҳволим яхши эмас. Бошим оғрийдиган бўлиб қолди. Болам ҳам тез-тез касал бўлади. Бировга қилинган ёмонликнинг қайтиши осон экан. Энди кўзим очилди. Виждон азоби қийнаяпти. Биргина худбинлигим, ҳасадгўйлигим туфайли гулдек оиланинг бузилиб кетишига сабабчи бўлдим. Менга қанча яхшиликлар қилган қайнукамга нонкўрлик қилдим. Ҳозир жудаям афсусдаман. Мени тўғри йўлга солмагани учун онамдан ҳам хафаман. Аслида бу гапларни овсиним билан қайнимнинг ўзларига айтиб, кечирим сўрашим керак эди-ю, аммо бунга ботинолмайман. Қайси юз билан уларга рўбарў келаман, ахир? Агар бу мактубимни овсиним Нодирахон ўқиб қолса, ундан ўтиниб сўрайман: «Сингилжоним, мендек такаббур, ичиқора овсинингизни кечиринг. Укам билан ярашиб, илоҳим бахтли ҳаёт кечиринглар. Узримни қайнимга ҳам етказиб қўйинг, илтимос. Мен қилган ишимдан жуда ҳам пушаймонман».

**Ҳусниданинг мактубини Шаҳноза РОФИЕВА оққа кўчирди.**

*Юрти тинч, халқи фаровон элга байраму тантаналар ярашади. Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — мустақиллик айёмига саноқли кунлар қолганида мамлакатимизнинг лафзи ҳалол ғаллакорлари катта зафар қучиб, шу кунларда ўзларининг “ҳосил байрам”ларини нишонлашмоқда.*

*Ана шу салмоқли хирмонга ўзларининг 240 минг тоннадан ортиқ улуши билан ҳисса қўшган жиззахлик бободеҳқонларни*

**“АГРОБАНК”**

**очиқ акциядорлик тижорат банкининг Жиззах вилоят бошқармаси жамоаси бу ажойиб муваффақият билан ТАБРИКЛАЙДИ.**

**Барчангизга эл-юрт фаровонлиги ва дастурхонимиз тўкинлиги йўлида қилаётган хайрли меҳнатларингиз роҳатини кўриш насиб этсин!**



«Наврўздан наврўзгача» ижодий беллашувига

Лола ЎРОҚОВА

# КЎНГИЛ кўчаси



— Келдингми, болам?

Аёл нурсиз кўзларини Баҳодирга тикиб, узоқ термулиб қолди. Афтидан унинг Бахтиёр ёки Баҳодирлигини билмоқчи эди. Аммо аниқлаш жуда қийин эди. Аслида иккаласи орасидаги уч ёш фарқни айтмаса, ёшликларида ҳам бир-бирларига қуйиб қўйгандай ўхшарди. Ҳозир эса бири қирқ, яна бири қирқ уч ёшда. Бунинг устига ўттиз тўрт йилдан буён она болаларининг дийдорини кўргани йўқ...

Шундай бўлса-да, рўпарасидаги барваста йигитни оналик туйғуси Баҳодирга ўхшатди. Аёл ўғлининг номини айтишга журъат қилолмади. Туйғулари алдашидан чўчиди. Боласини танимаганини сездириб қўйиб, шарманда бўлишини ўйлади.

Аёлнинг барибир қувончи чексиз эди. Ўғлининг алпомишкелбат бўлиб етилганини кўриб, рангпар юзлари ёришиб кетди. Ҳалигина келини кириб, «ўғлингиз келибди», деганида шошиб қолгани бежиз эмасди. Бир зумда вужудига аллақандай титроқ югуриб, совуққотгандай қалтирарди. Танидаги титроқни тўхтатиш учун кўрпани бўйнигача тортиб, исинмоқчи бўлди. Кор қилмади. Сўнг ўрнидан туришга уринди, мадори етмади. Биров орқасидан суяб турғизмаса, ўтиролмаслигини ҳам унутганди. Бемажол қўллари билан сочларини тўғрилаган бўлди. Икки кўзи эса эшикка қадалиб қолган. Кўнглида бир савол чарх урарди: «Баҳодир келдимикан ё Бахтиёр? Икковини ажратиб олармиканман?»

— Келдингми, ўғлим?

Аёл эшикдан кирган шарпага шу саволни бера олди, холос. Сўнг ундан кўзларини узолмай қолди. Шу топда кўнглида нималар кечмади дейсиз. Аммо у кечинмаларига сабаб бўлган гуноҳлари-ю, хижилликларини бир чеккага суриб ташлади. Устига ёпилган кўрпани хиёл бурди-да, ётган жойида икки қўлини ёйиб, қучоғини очди:

— Болажоним!

Баҳодир ҳам онасига узоқ тикилиб қолганди. Унинг юзларидан, кўзларидан, рўмоли четидан тўзғиб чиқиб турган сочларидан ўз онасининг «белгиларини» қидира бошлади. Аммо топмади, тополмади. Нигоҳларини ундан узолмай турган аёл бегонадай эди, гўё. Ёшига нисбатан жуда тез қариган, озиб, ранглари сарғайиб кетган, пешонасига йиллар ўчмас изларини ботирган, сочларини оппоқ қиров қоплаган аёл билан Баҳодирнинг олти ёшлик тасаввуридаги аёл ўртасида осмон билан ерча фарқ бор эди.

Баҳодир онаси ҳузурига отланаётганида ҳам қалбида заррача меҳр йўқлигини биларди. Йиллар дилидаги бор фарзандлик туйғуларини кемириб ташлаганди. Меҳр кўзда эканига, дийдор бўлмаса ҳар қандай яқин киши ҳам бегонага айланиши муқаррар эканига аллақачон амин бўлганди. Бироз раҳмдиллик, бироз кўнгилчанлик, бироз қизиқиш ва кўпроқ отасининг раъйи етаклаб келганди уни. Шундай бўлсада, онасини кўргач, кўнглида бирор илиқлик пайдо бўлишига умид қилганди. Лекин ўйлагани бўлмади. Онасининг қиёфасидан ўзига таниш, қадрдон бўлган белгиларни илғай олмади. Рўпарасида ўлим билан юзлашаётган, киши бир кўрганда сесканиб кетадиган бегона аёл ётгандек эди.

Аммо ана шу бегона аёл унга қучоқ очаётир. Нима қилсин? Қотиб тураверса бўлмас энди. Баҳодир секин онаси ёнига борди. Аёл уни бағрига босиб, пешонасидан ўпди. Аёл анчагача ўзини қўлга ололмай, елкалари силкиниб-силкиниб йиғлади. Йигитнинг эса тили калимага келмас, онасини юпатишни ҳам, жим ўтиришни ҳам билмай ҳайрон эди.

Унинг ичидан зил кетди. Беихтиёр отаси яшаётган шинамгина уй билан онаси ётган хонани солиштирди. Тўшакда ётган онасига ачингандай бўлди. Аммо сир бой бермади.

...Ўртадаги сукунат чўзилиб борарди. Баҳодир йўл-йўлакай ўйлаб келган саволларини ҳам унутди, гапни нимадан бошлашни билмай, ўзини ноқулай ҳис эта бошлади. Аёлни ҳам йигитнинг салобати босган, ҳаяжон қоплаган, йиғлашдан тўхтаган бўлса-да, сукут сақлаб қолганди. Бироз ўтиб, нимадир демоқчи бўлди-ю, гапиролмади. Бўғзига яна йиғи тиқилдими ё томоғи қақрадими, пиёладаги сувга ишора қилди.

Сувни қийинчилик билан ютаркан, секингина сўради:

— Опанглар келмадими?

Аёл "опанглар" деб барча фарзандларини назарда тутаётганди. Гап орасида ёнидаги ўғлининг Баҳодир эканига ҳам амин бўлмоқчи эди. Бироқ Баҳодир ўзини саволни эшитмаганга солди, кўзларини онасидан олиб қочди. Ахир ўлим билан олишиб ётган аёлга "опамлар учун аллақачон ўлган экансиз", деб айтиб бўлармиди?

Аёл учун эса ўғлининг жавоби муҳим эди. Шунинг учун ҳам саволини яна такрорлади.

— Келишмадими улар, болам?

Энди индамай ўтириб бўлмасди. Баҳодир баҳоналарни қалаштириб ташлади.

— Опам Самарқандга — қудаларникига кетганди. Қизлари чақалоқ топган. Акам савдо иши билан Тошкентда юрибди. Малоҳат эса ёш боласи билан ҳеч қаерга чиқолмайди. Уларни кутмай ўзим келавердим...

— Шукур, сенинг келганингга ҳам шукур, болам. Опаларинг келмай балки тўғри қилишгандир, бунга ҳақлари бор...

Баҳодир онасини алдаб бўлмаслигини сезди, бошқа дурустроқ баҳонаси бўлмагани учун индамай қўя қолди.

Аёл эса барибир мамнун эди. Гап орасида суҳбатдошининг кичик ўғли Баҳодир эканига ҳам ишонч ҳосил қилди. Қолаверса, оналик меҳри ўзини алдамаганидан мамнун бўлди.

* * *

...Баҳодирнинг онаси жуда чиройли жувон эди. "Бешдарада иккита сулув бўлса, бири Абдувалининг хотини, битта сулув бўлса у ҳам шунинг ўзи", дейишарди қишлоқдагилар.

Рисолат қоп-қора, қалин сочларини қирқ кокил қилиб ўриб, дўпписи атрофидан айлантириб қўяр, бу ўзига жуда ярашарди. Кулганида икки юзидаги кулгич уни янада жозибали қилиб кўрсатарди. Аёллар Рисолатга ҳасад билан, эркаклар суқ билан қарашарди.

Абдували эса тамоман унинг тескариси, юзлари чўтир, пакана экани етмагандай, қомати ҳам беўхшов эди. "Тақдир дегани нотанти бўлмаса, гулдай жувонни Абдувалига қўшиб қўярмиди", дегувчилар ҳам кўп эди.

Аслида уларнинг тақдир ришталари урушнинг суронли йилларида боғланди. Ҳамма эркаклар фронтга кетган, даладаги барча юмушлар аёлларнинг зиммасига тушганди. Эртадан кечгача тинмай ишласалар-да, қоринлари нонга, устлари кийимга ёлчимасди. Не-не гўдаклар очликдан шишиб ўлди. «Қора хат» устига «қора хат» келди. Бугун қишлоқнинг бир хонадонида йиғи овози эшитилса, эртаси бошқа уйда шу ҳол такрорланади. Аёллар тул қолди, болалар етим. Эркак деганни анқонинг уруғига айланди.

Абдували хўжалик чўпони бўлгани учун "брон"га тушди, урушга чақирилмади. Ундан совчи келганида Рисолат "тегмайман", — деб оёқ тираб олса-да, онаси қўймади. Эри фронтга кетиб, жўжабирдай жон аёлни эзиб ташлаганди. "Улар биздан кўра яхшироқ яшайди, қизим қийналмайди", деган фикр шўрлик онанинг миясига маҳкам ўрнашиб олди. Шу сабабли ҳам "эркакнинг бурни бўлсин, чиройини товоққа сузармидинг", дея эътироз билдирди. Уруш давом этаверса, эртага нима бўлишини Парвардигорнинг ўзи билади. Ҳарна уйли-жойли бўласан. Биттангни бошимдан ошираман".

(Давоми бор)



***Лола ЎРОҚОВА — 1979 йили Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек филологияси факультетини битирган. Шеър ва кичик насрий асарлари, публицистик мақолалари турли матбуот нашрларида чоп этилган. Унинг бадиий кузатувлари самимий ва ҳаётийлиги билан ажралиб туради. Энг муҳими, воқеа-ҳодисаларни тасвирлаш услуби ҳам ўзига хос.***

***Биз бугун унинг қаламига мансуб илк бадиий-публицистик асардан намунани сизнинг эътиборингизга ҳавола этаяпмиз.***




## ЖОНИВОРЛАРНИ ЎПМАНГ

Жуда кўпчилик хонадонларда мушук ёки ит сақлашади. Айниқса, русийзабон ҳамюртларимиз бу жониворларни оила аъзосидек кўришади. Уларнинг уйида ҳатто митти сичқон ва каламушларни, тошбақа, тўтиқўш, канарейка ва аквариум балиқларини ҳам учратиш мумкин. Табиатга, жониворларга меҳрли бўлиш



яхши. Аммо бу меҳр ҳаддидан ошса ҳам яхшиликка олиб келмас экан.

Биз баъзида русийзабон қизалоқларнинг қўлида кўтариб юрган мушукчаси ёки кучукчасини эркалаб, ҳатто ўпиб қўйишларини ҳам кузатганмиз. Бу ҳаракат саломатликка жиддий зарар етказиши ва одам токсоплазмоз, фелиноз (мушук тирнашидан ҳосил бўлади), сальмонеллёз, гельминтоз, қутириш, орминтоз (қушлардан юқадиган касаллик) каби ҳатто, инсон умрига зомин бўлувчи хасталикларни келтириб чиқариши мумкин экан.

Кўзингизга ҳар қанча ёқимтой кўринмасин, жониворлар билан муносабатда жуда эҳтиёткор бўлинг.

## НОБЕЛЬ МАТЕМАТИКЛАРНИ ЁҚТИРМАГАН?..

Дунёда энг нуфузли саналган Нобель мукофотини билмайдиган одам топилмаса керак. Альфред Нобель ўз хазинасини турли фанлар бўйича ин-



сон ҳаёти учун муҳим бўлган оламшумул кашфиётларни амалга ошира олган зиёлиларга қолдиришни васият қилади. Бу тўғри, аммо негадир мукофотни олувчилар рўйхатидан математиклар тушиб қолади. Ёз даврида шундай миш-миш тарқаладики, гўё Нобелнинг хотини унга хиёнат қилган эмиш. Хиёнаткор аёлнинг жазмани эса математик эмиш.

Аслида-чи? Аслида, Альфред Нобель ҳеч қачон уйланмаган. Математика соҳасига бу мукофот берилмаслигининг аниқ бир сабаби йўқ. Аммо шундай бир фаразлар мавжудки, яъни, ўша вақтларда математика бўйича швед қиролининг алоҳида мукофоти таъсис этилган. Бошқа бир тахминга кўра, ўшанда назарий фан эканлиги сабаб математика соҳасида инсоният учун муҳим кашфиёт қилиш мумкин эмас деб қарашган.

**Наргиза САРИМОВА тайёрлади.**

# ТЎЙ БОШҚА, АЗА БОШҚА

## ✓ НИМА ДЕЙСИЗ?



**"Мен отамнинг таъзияси куни чолларга бир ярим мингдан, ёшроқларига эса минг сўмдан "хайрот" пули бериб чикувдим. Кеча эса фалончи беш юздан қўйибди. Уялмайдими?"**

Ишонасизми, катта бир давранинг тўрида ҳеч кимга гап бермаётган «зиёлисифат» бир одамнинг айтганлари бу. Аввалига ҳайрон бўлдим, кейин мени меҳмонга чорлаган ошнамдан секин сўрадим: «Ҳайрот» пули нима дегани ўзи? Жанозага келганларга берилармиши? Қаердан чиққан одат бу?" У эса шундай изоҳ берди: "Йўғ-е, ҳеч эшитмаганмидинг, ҳа, биз тарафларда шундай қилишади. Пул қўйишмаса, азадор оила маломатга қолади. Иложи йўқ, қарз кўтарсаям, тарқатиши шарт".

Ҳалиги оғайним Чирокчида яшайди. Кейин эшитсам, ҳақиқатан ҳам Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарёнинг аксарият қишлоқ жойларида қайси бир оилада бирор инсон (фақат ёшлар бундан мустасно экан) қазо қилган бўлса, шу куни қўй ё мол сўйилиб, катта қозон осилиб, таъзияга келганларнинг қўлларига маълум миқдорда пул ва тугунча тутқазилар экан...



Барибир меҳмоннинг мақтаниброқ айтган гаплари менга қаттиқ таъсир қилди. Чидолмадим. Давра охирлагач, у билан танишиб, аввал қаерда ишлашини сўрадим. "Мактабда маънавият ишлари бўйича директор ўринбосариман, ука"— деди. "Қишлоқларингизда бундай ортиқча машмашаларнинг нотўғри эканлигини тушунтириб қўядиган одамлар йўқми?"— деб сўрадим. Жаҳли чиқди, шекилли, "нима, бизлар одам эмасмизми, бу билан нима демоқчисиз ўзи? "— дея менга юзланди. Сал юмшоқроқ оҳангда "ака, ўлганнинг устига тепган билан баробар эмасми, бу ишларингиз? Таъзияда тарқатилган пулни қандай ишлатиш мумкин, айтинг! Ундан кўра азадор оилага ёрдам уюштирилса, савобга қоласизлар-ку?" деганимдан сўнгина унинг шашти пасайди ва шундай деди:" Билмадим, мен эсимни таниганимдан бери бизларда шу одат бор. Қанча маъракаларда айтилди, лекин ҳеч ким қулоқ солмади. Қайтанга авжига чиқиб кетди. "Хайрот" пули қўйганларни ҳеч ким сўкмайди, аксинча, мақтайди. Бир мисол айтайми, ҳалол меҳнати ортидан обрў топиб, ҳажларга бориб келган қўшнимиз болаларига "мени рози қиламан десанглар, таъзиямни тўйга айлантирманглар, жуда оддий расмрусум билан ўтказинглар" деб васият қилган экан. Шундай бўлди ҳам. Лекин олти йилдан бери қишлоғимиз одамларининг оғзига элак тутолмаяпмиз, шу оилани ёмонлагани ёмонлаган..."

Тўғри, бундай баҳона билан бу муаллим ўзини оқлолмайди. Чунки тўй бошқа, аза бошқа-ку!

**Умрзоқ ҚОДИРОВ**




## ҚИЗИМНИ УЗАТСАМ, КЕЙИН...

«Маҳалладошим Замирага уйланиб жуда бахтли яшаётган эдик. Кетма-кет туғилган уч қизимизни ҳам худо кўп кўрди. Тўртинчи қизимиз туғилди. Уни ҳам ерү кўкка ишонмай парвона бўлдик. У ухласа, онаси уйғонгунча бошида терулиб ўтирарди. Бешикдан ҳам тез-тез ечиб олаверарди. Оллоҳ умри билан берган бўлсин, дердиму, барибир унга раҳмим келарди. Унинг бекаму кўст яшашини истаб, тинмай меҳнат қилардим. Жудоликлар бежиз кетмади. Замира юрак хуружи туфайли... Мен эса... Ҳамон ёлғизман ва муштипаргина қизимни вояга етказаяпман. Йиллар оқар сув экан. Қўзимнинг оқу қорасини узатсам, ҳаётим не кечади, деб ўйлаб қоламан. Асли қашқадарёликман. **Ёшим 50 да.** Агар мени тушунадиган аёл учраса, хабар қилсангизлар, илтимос.

**Баҳодир».**

## МАҲРАМ КЕРАК ЭКАН

«Қўша қаринглар деган гапда ҳикмат кўп экан. На илож Зумрадхондан бевақт ажраб қолдим. Бедаво дард уни олиб кетди. Олти нафар фарзандим бор. Икки қизим бола-чақали, ўзидан ортмайди. Кенжа ўғлим, келиним иссиқ-совуғимдан хабар олиб, кўнглимга қарайди. Невараларим атрофимда парвона. Шу қишда қаттиқ шамоллаб, кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолдим. Кўнглим тортган овқатни пишириб беринглар, дея айтолмадим. Шифтга термулиб ётавердим. Шундан кейингина уйланишим керак экан, деб ўйлаб қолдим. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини хўп тотган тоғам вақтида уйлан дея маслаҳат берганида қулоқ солмагандим. Бухороликман. **Ёшим 58 да.** Энди ўйлаб кўрдим. Бир маҳрам аёл керак экан.

**Қосим».**

## ЯХШИ ОДАМЛАРНИНГ БОЛАСИ ДЕДИК

«Ҳасандан келган совчиларга ота-онам яхши одамларнинг боласи дея рози бўлишганди. Биринчи учрашганимизда у менинг кўзимга ҳам бинойидек кўринганди. Кеч кузда тўйимиз бўлди. Экин-тикин йиғиштирилган. Ҳасан бекорчи эди. Дастлаб унинг ичкилик ичиб келишини қайнонам яширишга уриниб, бекорчилигига йўярди. Баҳор, ёз ойи келди. Эрим баттарроқ ичкиликка ружу қўйди. Пешонага ёзгани шу экан, деб яшайвердим. Икки ўғлим соппа-соғ туғилди. Болалари бор, энди кетолмайди, деб қайнонам тарафимни олмай қўйди. Бир куни... Ҳаммаси тугади, жанжал чиқди ва мен болаларимни етаклаб, чиқиб кетдим. Акамнинг уйидан паноҳ топдим. Не азобда ўғилларимни вояга етказдим. Каттасини уйлантирдим. Кичигига ер-участка олиб, уй қураяпман. Тошкент вилоятиданман. **Ёшим 51 да.** Қадримга етадиган диёнатли эркак бўлса, умримни бағишлаш ниятим бор.

**Иқболой».**

## БИР КАМ ДУНЁ

«Ўғлим Фурқатжоннинг тақдирини ўйлаб, гоҳида кечалари мижжа қоқмай чиқаман. Бошқа фарзандларим ўзидан тинган. У эса тутилиб гапиради. Тошкентда махсус мактабда ўқиган. Қўлидан келмайдиган ишнинг ўзи йўқ. Бўйи-басти келишган йигит. Кўзим очиқлигида унинг бошини икки қилсам, дейман. Хоразмликмиз. Ўғлимнинг **ёши 22 да.** Тенг-тенги билан, дегандай қисмати ўзиникига ўхшаш қиз учраса келин қилардим.

**Бекжон хола».**

### ТАҲРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар ўзлари билан паспортлари нусхаси ҳамда яшаш жойидан (маҳалла қўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади. МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46


## «ИНФАРММАДАД»

**Саломатлик марказига марҳамат!**

*Марказда сизнинг хизматингизда — эндокринолог, невропатолог, кардиолог, гинеколог, уролог, гельминтолог, лор, окулист, болалар невропатологияси соҳаларида малакали шифокорлар (УЗИ, ЭХО, ЭКГ, лаборатория, физиотерапиялар) фаолият олиб борадилар.*

**КЎПЛАБ ОИЛАЛАРГА ФАРЗАНД ҚУВОНЧИНИ ТУҲФА ЭТИБ КЕЛАЁТГАН САЛОМАТЛИК МАРКАЗИ СИЗНИНГ ҲАМ ХОНАДОНИНГИЗДА ЧАҚАЛОҚ ОВОЗИ ЯНГРАШИГА САБАБЧИ БЎЛАДИ!**

*Ёш келинлар турмуш ўртоғи билан ҳомиладорлик вақтида «Бўлажак оналар мактаби»га қатнаб, тегишли маслаҳатлар билан бирга даволаш гимнастикаси (ЛФК), психоневролог, кардиолог (ЭКГ) кўригидан ўтиб, фойдали йўл-йўриқлар олиб туриши мумкин.*

***Эндигина дунёга келган чақалоқ эса мунтазам равишда болалар невропатологи, педиатр, психолог, эндокринолог, логопед, гельминтолог кўригида бўлади.***

*Ҳурматли эркаклар! Агар сизда бел, қовуқ соҳасида оғриқ бўлса, тунда ҳожатга тез-тез чиқиш, пешоб келгандан сўнг ачишиш, жинсий ожизлик, бепуштлик, сабабсиз бош оғриғи, бел, бўйин оғриб қотиб қолиши, асабийлик, уйқусизлик, семизлик ҳолатлари кузатилса, малакали уролог, сексопатолог, невропатолог, эндокринолог ёрдамида барча дардлардан тезда фориғ бўлишингиз мумкин.*

***Балоғат ёшидаги қизларда ҳайз келганда кучли оғриқ бўлиши, бепуштлик, сабабсиз қон кетиши, тухумдон кистаси, асабийлашиш, қирқ ёшдан ошган аёлларда қон босими ошиши, терлаш, миома, эрозия ҳолатлари бўлса малакали гинеколог, невропатолог, кардиолог, эндокринолог ёрдамида даволанади.***

**МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, «Ғафур Ғулом» метро бекати.**
**МЎЛЖАЛ: Цирк томонга 150 метр юрилади.**
**Тел: (8-371) 244-73-24, 244-49-02**

*Барча хизматлар лицензияланган.*

## «ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

**қуйидаги ўқув курсларга ўқишга таклиф этади.**

**Ўқишга қабул ҳар куни**

**Тикувчилик** — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
**Тўй ва оқшом либослари** — 1-2 ой.
**Аёллар костюм-шими, плаш-пальто** — 1-2 ой.
**Ҳамширалар** — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
**Тиббий массаж** — 2 ой амалиёт билан. Нуқтали — 1 ой.
**Торт ва пишириқлар амалиёти билан** — 2 ой.
**Пишириқлар олий курси** — 1 ой.
**Уйғурча таомлар ва салатлар** — 1 ой, амалиёти билан.
**Аёллар сартарошлиги** — 3 ой, амалиёт билан.
**Сартарошлик** — 3 ой, амалиёти билан.
**Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж** — 1 ой.
**Бухгалтерия ҳисоби** — 3 ой.
**Парда ва чойшаблар** — 1 ой амалиёт билан.
**Сартарошлик** — 2-3 ой ўғил болалар учун. Салонда
**Каштачилик** — 3 ой машинкада вишивка.
**Инглиз тили** — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
**Рус тили** — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
**Бисер тикиш, яъни мунчоқ тикиш** — 2 ой.
**Сунъий гул ясаш** — 1-2 ой.
**Компьютер сабоқлари** — 2 ой. Интернет — 1 ой
**Арабча ва миллий рақс** — 3 ой.

■ Машғулотлар амалиёти билан

■ Ётоқхона мавжуд

**Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади**

Манзил: Юнусобод тумани, 3 мавзе, 1-уй, 31-хона.
Мўлжал: Юнусобод деҳқон бозори орқасида. Тел: 221-17-95, 221-77-72 кундузи, 225-97-93 18:00дан 22:00 гача.



**Муассислар: Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси**

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

*«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*
Босишга топшириш вақти – 15:00
Босишга топширилди – 16:00

**Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ**

Қабулхона: (тел, ва факс) 233-28-20
Мухбирлар: 234-25-46

**МАНЗИЛИМИЗ:**
Тошкент – 700000
Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Мўлжал: «Олой» бозори ёнида

Web-site: oilavajamiyat. uz

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

**ОБУНА ИНДЕКСИ** – 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **0169**-рақам билан **11. 01. 07**да рўйхатга олинган.
Буюртма Г – 732. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади – 9284
Навбатчи — **Барно СУЛТОНОВА**
Саҳифаловчилар — **Илҳом ЖУМАНОВ, Шерзод БАРОҚОВ**
Мусаҳҳиҳ — **Саидғани САЙДАЛИМОВ**

ISSN 2010–7609 2 3 4 5